

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 5 МАРТ КУНИ КЎМИР ҚАЗИБ ОЛИШ ТАРМОҒИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИФИЛИШ ЎТКАЗДИ.



ҲУҚУҚ

1997-йil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2019-й. 7-МАРТ, №10 (1155)

**ДАВЛАТ ВА
ҲУҚУҚ ТАРИХИ
ФАНЛАРИНИ
ЎҚИТМАСА ҲАМ
БЎЛАДИМИ?**

3

**АЁЛ КИШИ
БОЛАЛИГИДА
ОТАСИГА ЖАННАТ
ЭШИГИНИ
ОЧАДИ, КЕЛИН
БЎЛГАЧ ЭСА...**

5

**ПСИХИАТР АҚЛИ
ЗАИФ БОЛАГА
НОГИРОНЛИК
ГУРУҲИ
ТАЙИНЛАШНИ
ПУЛГА ЧАҚДИ.**

8

**МЕҲМОНХОНАДАГИ
КИНФИРЛИК
САБАБ ДАВЛАТ
52 МЛН. СЎМДАН
ОШИҚ ЗАРАР
КЎРДИ.**


11



**БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ АЁЛЛАР!**

**АВВАЛГИ САВОДСИЗЛИК
ЭНДИ «МЕРОС»МИ?**

**ТАРТИБГА РИОЯ ҚИЛГАН ЎҚИТУВЧИ
САВОДСИЗГА ЧИҚАРИЛДИ.**



7-бетда

**ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ
СИРИ НИМАДА?**



**2018 йилда
ЎЗБЕКИСТОНДА
311,4 МИНГТА ЯНГИ ОИЛА
ТУЗИЛГАНИ ҲОЛДА,
32,3 МИНГТА НИКОҲДАН
АЖРАЛИШ ҲОЛАТЛАРИ
ҚАЙД ЭТИЛГАН.**

4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2019 йил 4 мартдаги буйруғига асосан Рашид Насруллоевич Рахматов Наманган вилояти прокурори лавозимига тайинланди.



Р.Рахматов 1978 йилда туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 2004 йилда Тошкент давлат юридик институти, 2015 йилда Бош прокуратура Олий ўқув курсларини тамомлаган.

Прокуратура органларидаги иш фаолиятини 2004 йилда Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчиликдан бошлаб, шаҳар прокурори ёрдамчиси, Навбахор тумани прокуратураси терговчиси, Қизилтепа тумани прокуратураси терговчиси, Навоий вилояти прокуратураси бўлим алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси лавозимларида фаолият кўрсатган. Шунингдек, Бош прокуратура бошқарма прокурори, Бош прокуратура ички хавфсизлик ва прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари, бошқарма бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори лавозимларида ишлаган.

2018 йилдан шу пайтгача Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари лавозимида фаолият юритган.

GAZETADA SHOP ETILGACH

НАЗОРАТчилар ига олинди

Газетамизнинг 2019 йил 31 январь кунги 5(1150)-сонида чоп этилган "Бозордаги ўзибўларчиликлар назоратчилар назоратида четда(ми)?" номи фототанқидда Наманган шаҳри марказидаги "Сардоба бозори" МЧЖ ҳудудидаги ҳолат тилга олинган эди.

Шундан сўнг Наманган шаҳар Давлат солиқ инспекцияси шаҳар ДСЭНМ билан ҳамкорликда бозордаги аҳолини ўрганиб, мавжуд ҳолатларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилганлиги ҳақида таҳририятга маълум қилди. Шу билан бирга, Наманган вилоят "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини мувофиқлаштириш" уюшмаси ҳам ҳолат юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилганлигини билдирди. Йиғилишда жамият раҳбарига камчиликларни бартараф этиш, келгусида тақдорланмаслиги учун чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва доимий назоратни олиб бориш вазифаси юклатилган.

Наманган шаҳар ДСИ томонидан бозорнинг автомобиллари сақлаш майдони ташқарисида тўқилган чиқиндилар бўйича ушбу ҳолатга алоқадор мутасаддиларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилган ҳолда, муаммони бартараф этиш бўйича вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофазა қилиш бошқармасига хат билан мурожаат қилинган.

Бундан ташқари, тузланган салат маҳсулотларини ноқонуний сотаётган фуқарога нисбатан маъмурий баённома тузилган, "Малика Хайринисо" МЧЖ ишчисига жарима қўлланилган. Шунингдек, ўрганишлар давомида тиббий кўрикдан ўтмасдан, фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш курсида ўқимасдан, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмасдан, давлат рўйхатидан ўтмасдан ноқонуний равишда пиёдалар ўтмиш йўлларда сут маҳсулотини сотаётган икки нафар фуқаро ҳам жаримага тортилган, мазкур ҳудудда доимий равишда профилактика назорати тадбирлари ўтказилиб, ноқонуний маҳсулотлар савдосига чек қўйилган баён қилинган.

Шу билан бирга, бозор ҳудудида жойлашган 2-сонли Наманган шаҳар ветеринария-санитария экспертизаси бўлими томонидан гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум, сабзавот, ҳўл мева ва тузламалар кўрикдан ўтказилаётгани ҳам маълум қилинди.

Назорат тадбирлари давом эттирилиб, бу ҳақда ахборотлар бериб борилиши маълум қилинди.

FAOLIYAT

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Фаргона вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда қонуний ҳал этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўтган йилда прокуратура ходимлари томонидан 28 миң нафарга яқин фуқаронинг қабул қилиниши, жами келиб тушган мурожаатларнинг 5600 дан ортиғи ёки 23 фоизи қаноатлантирилиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ҳамда 2019 йил 17 январдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони халқ билан мулоқотни янги поғонага кўтариш зарурлигини, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқот ташкил этиш 2019 йилда ҳам фаолиятимизнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолишини белгилди берди.

Мазкур талабдан келиб чиққан ҳолда вилоят прокурори С.Турдиев томонидан фуқароларнинг сайёр қабули ташкил этилиб келинмоқда. Жорий йилда шундай қабулларнинг дастлабкилари вилоят марказидан энг узоқ ҳисобланган Бешариқ, Данғара ва Ўзбекистон туманларида амалга оширилди.

Ушбу сайёр қабуллар давомида 250 нафарга яқин фуқаронинг турли масалалар

Комил АЛИХОДЖАЕВ,
Фаргона вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

га доир мурожаатлари эшитилиб, улардан аксариятини жойида ҳал этиш чоралари кўрилди. 10 нафардан ортик фуқаронинг ишга жойлаштирилиши, 10 нафарга яқин ногиронга аравачалар берилиши, 25 нафар фуқаронинг тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанишга ётқизилиши, 100 нафарга яқин фуқарога 60 миллион сўмга яқин моддий ёрдам ва бөлум дори-дармон берилиши, 80 нафардан ортик фуқаронинг коммунал хўжалик билан боғлиқ муаммолари ҳал этилиши таъминланди. Хусусан, кам таъминланган Э.Йўлдашев уй-жойга муҳтож сифатида рўйхатга олинган ва уй учун дастлабки тўловни тўлаган бўлса-да, 2 йил давомида уй ажратиб берилмагани аниқланиб, вилоят прокуратурасининг аралашуви билан унга 2 хонали уй ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, мурожаатларга асосан 3,2 км.дан ортик сув қувурлари ётқизилди ва 3 та сув миноралари таъмирланиб, 440 дан ортик хонадонга ичимлик суви етказилди. Трансформатор ва электр тармоқларининг таъмирланиши натижасида 250 дан ортик хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди, 200 дан ортик хонадонда яшовчи фуқароларнинг манфаати қўзғалди, 5,6 км.дан ортик ички йўлларга шағал ётқизилди, 16 км.дан ортик йўللари асфальтлаш йўл харитасига киритилди. Вилоят прокуратураси томонидан бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.



ЯЛПИ МАЖЛИС ЯКУНЛАРИ

2019 йил 28 февраль ва 1 март кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Мажлисни Олий Мажлиси Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан кейин сенаторлар кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишга киришдилар.

Сенаторлар ишни "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилишдан бошладилар.

Сўзга чиққан сенаторлар қайд этганидек, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилиниши сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бириктиришга қўмақлашибгина қолмай, балки сайловга доир қонун ҳужжатларини ва сайлов амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Масалан, Сайлов кодексида мустақамлаб қўйилган нормаларга кўра, Экологик ҳаракат вакиллари учун Қонунчилик палатасида депутатлар ўринларини умумий сони (150 та ўрин) сақлаб қолинади.

Шунингдек, Сайлов кодексида катта ижтимоий хавфи бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озоқликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайловда иштирок этиши бўйича чекловлар олиб ташланмоқда.

Шундан сўнг парламент аъзолари "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Сўзга чиққан сенаторлар репродуктив саломатлик масалалари, умуман фуқаролар соғлигини, оналик ва болаликни сақлаш, ҳар томонлама ва уйғун баркамол авлодни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилиши масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканини таъкидладилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар "Жазони ижро этиш муассасаларидан озоқ қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Муҳокама чоғида қайд этилганидек, Қонун аввал судланган шахслар томонидан жиноятлар такорран содир этилишининг олдини олишга, уларда жамиятда ўзини ижобий тутишга мойиллигини яратишга, шунингдек, қайта тарбиялашда ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчиликнинг ролини оширишга қўмақлашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар "Ҳуқуқматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти қўлайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"-

ги, "Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик қўлайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини қўлайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат тўғридан-тўғри амал қиладиган қонун талабларига жавоб бермаслигини инобатга олиб, Олий Мажлиси Сенати қонуни рад этиш ва уни маъқуллаш жараёнида юзга келган келишмовчиликларни ҳал этиш учун парламент палаталарининг келишув комиссиясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Икки кунлик йиғилишда Сенат ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўн саккизинчи ялпи мажлис давомида 23 та масала, шу жумладан, 15 та қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустақамлашга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга ва халқро ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

ЭШИТГАН БОШҚА, УҚҚАН БОШҚА

Қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, ҳуқуқий маданият фуқаролик жамиятининг асослари ҳисобланади. Бундай жамиятда фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларини билишади, уларга амал қилишади, амалдаги ҳамда қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари мазмун-моҳиятидан бохабар бўлиб боришади.

Оммавий ахборот воситаларида Давлат раҳбарининг фармон ва қарорлари, қабул қилинаётган қонунлар, қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар ҳақида шарҳлар бериб боришмоқда. Марказий ва маҳаллий телеканалларнинг махсус кўрсатувларида тааллуқли идораларнинг вакиллари қонун ва қонуности ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва ижроси борасида фикр-мулоҳазаларини баён этишяпти.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Нуққ»

налларнинг адади кўп эмас. Бунинг оқибатида аҳолининг муайян қисми қонун ва қонуности ҳужжатларининг талабларидан беҳабар қолаётти.

Хусусан, жорий йилнинг 14 февраль куни «Нуққ» газетасида чоп этилган «Қўпчилик «уқу»да, фуқароларми ёки масъул идоралар» мақоласида таҳлил қилиб берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини

ёхуд
«Қўпчилик
«уқу»да,
фуқароларми
ёки масъул
идоралар»
мақоласини
ўқиб...

қолишлари мумкин.

Қонунчилик талабларини кенг оммага етказишда, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтиришда босма ахборот нашрларининг ўрни бекиёс. Ҳуқуқий нашрларда чоп этилаётган қонун ва қонуности ҳужжатларининг талабларини яхши билган тадбиркорлар, фуқаролар ҳуқуқларини талаб қилиш билан бирга, мажбуриятларига оғишмай амал қилишади. Бу албатта жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида етарли даражада тарғибот ишлари олиб борилишига боғлиқ.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳақида гап кетар экан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлашда ОАВ муҳим рол ўйнайди.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 9 январь куни Президентимиз «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини ошириш, бу борада уларнинг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан алоқасини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланади.

Шундай экан, босма нашрлар, хусусан, ҳуқуқий нашрлар имкон қадар кўпроқ аҳоли қатламини қамраб олишига эришиш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

SIZDA QANDAY FIKR BOR?

Ҳуқуқий фанларнинг асосий қисмини ижтимоий фанлар ташкил этади. Бироқ, афсуски, олий таълим тизимида уларга доимо бир хил муносабатда бўлинмаяпти. Ушбу фанларнинг базилари бугун ўқув режаларига киритилмапти, айримлари олиб ташланапти ёки дарс соатлари қисқартирилмоқда.

Ҳуқуқий таълимда изчиллик зарур



Зиёдулла МУҚИМОВ,
профессор

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида Ўзбекистон тарихини, унинг бой меросини ўрганиш, шу мақсадда тадқиқотлар олиб бориш лозимлиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, бакалавр таълим йўналиши бўйича 1-босқич талабаларига мўлжалланган Чет мамлакатлар (хорижий) ва Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи курслари олиб ташланди. Бундан қандай тушуниш керак? Ўзбекистон тарихи, бой маданий-маънавий меросини тарихини лозим даражада ўқимаган мутахассиснинг маънавияти қандай бўлиши мумкин? Бундан ташқари, чет мамлакатлар билан алоқаларимиз ривожланиб бораётган, уларнинг давлатчилик тарихига, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий маданиятига эътибор кучаяётган бир вақтда уни ўқув режаларидан олиб ташлашдан мақсад нима?

Жорий ўқув йили ўқув режасида ихтисосликнинг ярмини ташкил қиладиган ҳуқуқ таълимига кам соат ажратилиб, ихтисослик учун жами юклама 9 072 соат бўлгани ҳолда юридик фанларга 1 170 соат ажратилгани ҳеч бир мантиққа тўғри келмайди, назаримизда.

Барча юридик фанларга асос бўлган Давлат ва ҳуқуқ тарихи фанларини ўқитмас ҳам бўлади, дейдиганларнинг бу ишини нотўғри деб ҳисоблайман. Аввалига Ўзбекистон тарихини ўқитиш бекор қилинди ва яна қайта тикланди. Энди эса деярли 80 йилдан бери ўқитилиб келинаётган Давлат ва ҳуқуқ асослари ёки Ҳуқуқшунослик фанини ўқитиш ҳам тугатилди.

Конституцияни ўрганиш курси 15 йил мобайнида «Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» деб аталиб, бунинг учун 114 соат ажратилган, дастур, услубий ва ўқув қўлланмалари яратилганди. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси»да «Асосий қонуниимизни умумтаълим мактабларида, олий ўқув юрталарида, маҳалла ва меҳнат жамоаларида тизимли равишда ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз лозим», дейилганига қарамайдан бу курс ҳам тугатилди.

Уйлаймики, ушбу ҳужжат олий таълим тизимидаги ҳуқуқий таълим берадиган фанларнинг қайтадан ўз ўрнига қўйилишига, жамиятимизда ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

SHARH

Қўчмас мулкларнинг бор-йўғи 30 фоизи бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Шу тариқа телевидение кўрсатувлари ва радиоэшитиришларидан муайян қонунчилик ҳақида хабардор бўламиз, тасаввур ҳосил қиламиз. Бироқ кўрган, эшитган бошқа, ўқиб ўққан бошқа, деганларидай, зарур пайтда билимсизлик панд беради, қонуннинг тегишли моддаси, тегишли бандини излашга тушамиз. Тўғри, ҳозирги кунда интернетдан керакли маълумотни топиш мумкин. Аммо ҳаммада ҳам бундай имконият йўқ. Шундай паллада қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида шарҳлари чоп этилаётган, уйда, ишхонада қўл остида сақланадиган газета ва журналларнинг қадри билинади. Афсуски, қонунлар ва амалиётга татбиқ этилаётган янгиликлар, уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берган газета ва жур-

ўтказиш тўғрисида»ги Фармони ва шу асосда Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган Низом билан фуқароларга ушбу муаммоларини ҳал этиш имконияти ҳавола этилган бўлса-да, 2019 йилнинг 1 февраль кунига республикада мавжуд 569 534 та ўзбошимчилик билан қурилган турар жойлардан атиги 274 297 таси ёки 48 фоизи бўйича Давлат хизмати марказларига аризалар келиб тушган, холос. Бунинг сабабларидан бири ҳали-ҳануз фуқароларнинг муайян қисми ушбу ҳужжат талабларидан беҳабар. Жорий йилнинг 1 май кунига қадар ушбу имкониятдан фойдаланмаган, ўзбошимчилик билан қурилган турар жойга мулк ҳуқуқини қўлга киритмаган фуқаролар бармоқ тишлаб

Жорий йил 9 январда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори фермер хўжаликлари фаолиятида янги имкониятлар эшигини очди.

Қарор билан нима ўзгаради?.. Ҳужжат билан танишар эканмиз, биз бир қатор ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Жорий йилдан эксперимент тариқасида фермер хўжаликлари учун ер участкалари очик танлов якунига кўра, ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳулосасига биноан халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори асосида қабул қилинган туман ҳокимининг қарори бўйича берилади.

Ер участкалари бир гектар ер майдони учун пахта-ғаллачилик лойиҳасига 2 минг доллар эквиваленти миқдорида, сабзавот-ғаллачилик, боғдорчилик-узумчилик, сабзавот-полиэтилен лойиҳаларига 5 минг доллар эквиваленти миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган талабгорлар ва кластер корхоналарига янги тартибда берилади. Бунда туман сектор раҳбарининг тавсиясига кўра, танлов ўтказмасдан туман ҳокимининг қарорига асосан ер участкалари ажратилади.

СОҲАДА ЯНГИ ТАРТИБЛАР

Ферузжон НОРҚУЛОВ,
Инспекциянинг Навоий вилоят бошқармаси бош инспектори

Шунингдек, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер участкалари майдонларини мақбуллаштиришда, уларнинг охириги уч йиллик фаолияти тўлиқ таҳлил қилинади.

Муҳим янгиликлардан яна бири шуки, қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ҳажмлари уларнинг фаолият йўналишларига кўра белгиланади. Чорвачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ҳажмлари қонунчиликда белгиланган тартибда мавжуд шартли мол бош сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қайд этиш жоизки, танловда асосий эътибор талабгорнинг ҳисоб varaгидаги мажбуриятлардан таш-

қари, айланма маблағи, яроқли қишлоқ хўжалиги техникалари мавжудлигига қаратилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортга йўналтирилгани, яратилган янги иш ўринлари сони ва сўнги уч йил давомида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномаларнинг баҳариллишига эътибор қаратилди.

Ҳудудларга бириктирилган республика ишчи гуруҳлари туманларнинг тўртта сектор раҳбарлари ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан биргаликда ер участкаларини мақбуллаштириш жараёнида фермер хўжалиklarининг фаолиятига ҳолисона баҳо берилиши, шаффофлик, ошқоралик, очиклик ва адолат тамойилларига қатъий риоя қилинишига жавобгар эканлиги аниқ кўрсатилган.

Энг муҳими, алмашлаб экин тизимини жорий қилиш мақсадида пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари экин ер майдонининг 10 фоиз қисмига бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари — сабзавот, полиз маҳсулотлари экишга руҳсат берилган.


Ер участкалари ўлчами белгиланган миқдорлардан кам бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ихтиёрли равишда қўшиб юбориш, қўшиб олиш тартибда қайта ташкил этилиши мумкин.



Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенция (Минск, 1995 йил 26 май) ратификация қилинди.

7-MART 2019-Y.
HUGUC № 10
(1155)

3



Газетамизнинг жорий йил 21 февраль сонида chop этилган "Маъбурий ижро бюроси оилаларни яраштирмакда" номли мақолада ажралиш ҳолатлари, шунингдек, алимент масалалари баён этилган. Дарҳақиқат, қончилигимизга кўра, эр-хотин ажрашгандан сўнг, аксарият ҳолларда фарзанд онаси билан қолганлиги сабабли, суд томонидан фарзанднинг моддий таъминоти учун отадан тўлов ундириш белгиланади. Қарздорлардан тўловни ундириш эса Маъбурий ижро бюросининг вазифаси ҳисобланади. Аммо мақолада яраштириш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда мутасадди ташкилотлар ходимлари сусткашликка йўл қўётганликлари қайд этилган эди. МИБ ходимлари эса вазиятлардан келиб чиқиб, 1200 дан ортиқ ажрашган оилаларни яраштиришга муяссар бўлишган. Ваҳоланки, улар фаолиятлари доирасида фақат алимент ундириш билан шугулланишлари мумкин эди.

Қуйида халқимиз томонидан "Муқаддас кўргон" дея аталувчи оилага путур етказувчи иллатлар, масъулиятсизлик, шошма-шошарликларнинг оқибатлари ҳусусида сўз юритилади.

Дуоғўй халқимиз бор. Ота-боболаримиз дуога қўл очганда "Топганинг тўйга буюрсин", келин-куёвга эса, "Илоҳим, қўша қаринлар!" деб тилак билдирадилар. Қолаверса, "Дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир", деб бежиз айтилмаган.

Афсуски, "Топганинг тўйга буюрсин!" деган дуолар ижобат бўлиб, дангиллама тўй ўтиши билан "қўша қарин" уёқда турсин, орадан бир-икки ой ўтмаёқ ажралиб кетаётган оилалар сони ошиб бормокда.

Давлат статистика кўмитасининг маълумотига кўра, 2018 йилда Ўзбекистонда 311,4 минг янги оила тузилгани ҳолда, ФХДЭ органлари томонидан 32,3 мингта никоҳдан ажралиш ҳолатлари қайд этилган. Мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 1,0 промиллени ташкил этган.

Хўш, ажралишлар кўпми ё кам?

Агар фоиз нисбатида оладиган бўлсак, бу рақам арзимас кўринар. Ана олинг, бу рақам 32,3 минг эмас, 100 та бўлсин! Нима ўзгарди? Бу ҳам кўп эмасми? Иккинчи жаҳон уруши даврида эвакуация қилинган болакайлари ўз бағрига олган, миллатлар ичида энг болажонлиги билан дунёга донг таратган халқимизга шу ярашади? Аммо ана шу рақам ортида қанчадан-қанча оилаларнинг тақдирини ётгани-чи! Ёки ғам-тавшини нима эканлигини тушунай (тушунмасин ҳам!), ота-онани бағрида ўсиб-улғайётган норасидаларни бу бахтдан мосуво қилишга нима ҳаққимиз бор?!

Қарс икки қўлдан чиқади. Тўппа-тўғри. Бироқ айрим йигитлар хотинининг бирор камчилиги бўлса, сабр қилишга, тузатишга ҳаракат қилишмайди. Аёллар ҳам бирор гап бўлса, дарров тилига эрк беришади. "Сизга тегиб нима кўрдим?" ёки "Кўлингиздан нима келарди?" деган иттифоқ билан эрларининг қуюшқондан чиқишига сабабчи бўлишади. Нима бўлганда ҳам назаримизда, эркаклар сабрли бўлишлари керак. Муқаддас китобларда айтилишича, Аллоҳ таоло томонидан эркак киши учун аёли ва фарзандлари омонат қилиб берилган экан. Омонатга хиёнат эса қандай оқибатларга олиб келишини яхши биламиз. Ургатиш эмас-ку, ҳар икки томон сабрли бўлиб, мурося йўлини танлагани маъқул эмасми?!

Мазкур мақолада бировнинг ёнини олиб, бошқасини қораламоқчи эмасми. Четдан туриб, баҳо бериш осон. Агар ажралмоқчи бўлаётганларнинг дардини эшитсангиз, икки томон ҳам ўзича ҳақ. Эр хотинини, хотини эрини айблайди. Орага қайнона, қайсингиллар қўшилган ҳолатлар ҳам қўшилган учраб туради.

— Ҳақиқатан ҳам оилалар бузилиши жамиятимизнинг оғриқли нуқталаридан бирига айланган, — дейди "Қўчқа дарвоза" МФЙ раиси Абдухалил Алиев. — Арзиманг келишмовчилик сабаб ёки ёшларнинг шохшаклиги, сабрсизлиги туфайли оилалар пароканда бўлиб кетмокда. Ахир оила уйга ўшаган, бу-гун қўрилиб, эртага бузиладиган иморат эмас-ку! Бизнинг МФЙ ҳудудида 1110 та оила истиқомат қилади. Утган йили 7 та оила ажралиш масаласида мурожаат қилган бўлса, ҳозирча иккитасини яраштиришга муваффақ бўлдик. Хайрон қоларли жиҳати, шу 7 та оиланинг 5 таси айнан телефон сабаб ажралишга қарор қилган.

Янада ачинарли жиҳати, баъзи йигитлар учун уйланиш ҳудди хоббига айлангандек. Уч йилда уч марта уйланиш "бахт"ига муяссар бўлган "азамат"лар бармоқ билан санарли бўлса-да, учраб туради. "Бу нима қилганинг", деб сурасангиз, "Нима қилай, ёқмади. Буниси бўлмаса, бошқаси", дейди кўзини лўқ қилиб.

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ СИРИ НИМАДА?

Шукрки, маҳалламизда ибратли оилалар ҳам бор. Гоҳида уларни маслаҳатга чақириб тураемиз. Масалан, Маърифат Орифжонова, 85 ёшга чиққан бўлсалар-да, ҳали анча тетиклар. 4 ўғилни вояга етказган. Оиласига ҳам-манинг ҳаваси келади.

Раисдан онахоннинг манзилини олиб, у кишининг фикрлари билан қизиқдик.

— Ҳар қандай оилада тушунмовчилик бўлиб туради. Фарзандларимнинг отаси бу масалага бошқача ёндашардилар. Агар ўғлим билан келинимнинг орасидан гап қочса, бунга фақат бизни айбдор ҳисоблардилар, — дейди Маърифат ая. — У киши билан 58 йил бирга яшаган бўлсак, бирор марта баланд овозда гапирганини эслолмайман. Тўнғичим Олимжон 65 ёшда бўлса, кенжам Рустамжон 55 ёшга қадам қўйди. 15 нафар неварам, 25 нафар чеварам бор. Оилада эрининг ҳам, аёлининг ҳам ўз ўрни бўлиши керак. Аммо "Эр зардали бўлса, хотин пардали бўлади", деган нақлни ҳам доим ёдда тутиш лозим. Аммо бу эркак хотинига зуғум қилиши керак, дегани эмас.

Кўпгина оилавий жанжалларга келиннинг онасига гап ташини сабаб бўлмокда. Илгари келиннинг онаси учун қизи тушган уйга бирор сабабсиз келиши уят саналган. Ҳозир унақа эмас. Ёшларимизда сабр ҳам етишмайди. Озгина сабр қилса-ку, олам гулистон. Оиланинг тинч-тотув яяшида ҳалол лўқманинг ҳам ўрни бўлақча.

Қўл қишлоғида ўтган 3 йилда бирорта ҳам оилавий ажрим ёки низолар учрамаган.

Онахоннинг ҳузуридан чиқар эканмиз, бир ҳамкасбимиз кўнгирак қилиб, яна бир ибратга лойиқ оила ҳақида айтиб қолди. Уша ерга ошиқдик. Эшикдан қирар эканмиз, тўрда савлат тўкиб ўтирган онахонга кўзимиз тушиб, худди "Келинлар кўзголини"даги "Фармонбиби"ни кўргандек бўлдик. Фақат "Фармонбиби" 7 нафар ўғил уйлантирган бўлса, 82 ёшга қадам қўйган Нурхон ая Абдушоҳидова 7 нафар қиз узатиб, 2 ўғилни уйлантирган экан. Онахон худди Фармонбибидек салмоқлаб гап бошлади:

— Фалончи ажрашибди, деган гапни эшитсам, ичимдан бир нарсани узилгандек бўлади. Аиниқса, ота-онанинг хоҳиши билан дунёга келган гулдек фарзандларига ачинаман. Худого шукр, 2 ўғил, 7 қизни туғиб, вояга етказдим. 30 та неварам, 35 та эварам бор. Ҳаммаси олий маълумотли.

Икки ёшнинг тинч яшаб кетишида кўп нарсани кўзнинг онасига боғлиқ. Биринчи галда, қизини сабрга ургатиши лозим. Ундан кейин қулоғига гап ташимасликни қўйиши керак. Ҳамма нарсани "деди-деди"дан бошланади. Узатиладиган қизнинг қўли ширин бўлмаса-да, тили ширин бўлиши керак.

Раҳматли хўжайиним қизларим кўп бўлгани учун уларнинг тарбиясини алоҳида назорат қилганга. Биринчи галда уйимизнинг кўчага қараган деразаларини беркитиб ташлаганлар. Ундан ташқари, оиламизда ҳозиргача кечки соат 18:00дан кейин ҳеч ким кўчага чиқмайди. Натijasини қарангки, етти-та қизимдан олти таси бир-бирига ов-

син бўлган. Қизларим маъқул бўлмаса, қудаларим, битта қизимни олгач, иккинчисига оғиз соларимди?!..

Шукрки, юртимизда ана шундай ибратга лойиқ, турли мижозларга кўз юмиб, умргузаронлик қилаётган оилалар бисёр. Қашқадарё вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган матбуот брифингида шу ҳақда маълумот берилган. Маълум бўлишича, вилоятнинг Шаҳрисабз туманидаги Қўл қишлоғида ўтган 2-3 йил давомида бирор марта ҳам оилавий ажрим ёки оилавий низолар учрамабди. Мазкур қишлоқда 301 та оила бўлиб, унда яшовчи 1302 нафар аҳолининг 650 нафарга яқини хотин-қизлар экан.

Тадбирда таъкидланишича, қишлоқ аёлларининг турмуш ўртоғига нисбатан иттиқорлиги, уларда оилавий муносабатларни қадрлаш ҳисси юқори даражада бўлганлиги боис ҳам қишлоқ тарихида сўнгги 2-3 йил давомида бирор марта ҳам ажралишлар қайд этилмаган. Брифингда шунингдек, Қашқадарё вилояти оилаларни яраштириш бўйича республикада энг яхши кўрсаткичда эканлиги таъкидлаб ўтилган. Вилоятда ўтган йили яраштирувлар сони 424 тага кўпайибди. Ҳа, ўрناق бўлишга арзийдиган ҳолат.

Мавзуга қайтсак: кишини янада уйлантирадиган томони айрим ёшларнинг бурч, масъулият, деган тушунчалардан бебаҳра вояга етаётганидир. Оила жамиятнинг ячейкаси, деган атама бор. Шундай экан, оиланинг жамият олдида масъулияти бўлганидек, ҳар бир инсоннинг оиласи олдида масъулияти бор. Ана шу масъулият унутилса ё қадрсизланса, оилага дарз кетади. Бу ўз навбатида, жамиятга ҳам таъсир ўтказди. Жамият учун оиланинг аҳиллиги, поклиги-ю, оқил фарзанд ўстириб-улғайтиришидан ортиқ нарсая керак эмас.

Айримлар ажралишларни иқтисод билан боғлашади. Ундай бўлса, яқин ўтмишимизга назар ташлайлик: қаҳатчилик, турли урушлар... Бобо-буваларимиз қандай сабр қилишди экан?

7 та оиланинг 5 таси телефон сабаб ажралишга қарор қилган.

Баъзилар эса яхши даромад топган ҳолда, баракаси йўқлигидан нолийди. Бунинг асл сабаби билан қизиқилса, уйда кунора жанжал экан. "Бир марта жанжал бўлган хонадондан қирқ кун барак кетади", деган нақл хаёлга ҳам келмайди. Эр ҳам, аёл ҳам ўзича ҳақ. Ачинарлиси, бундай жанжаллардан энг хабр кўрадигани болалар. Телеканалларимизда намойиш этилаётган сериаллардан бирида шундай эпизодга кўзимиз тушди: тўрт яшар болакай ўзи

Фоғуржон АЛИМОВ,
«Нурқу»

чизган суратни онасига кўрсатади. У суратда ўзини, ота-онаси-ю, буваларини тасвирлаган экан. Она суратни олиб қарайди ва нима учун оғизларини чизмаганини сўрайди. Болакай "урушишларини хоҳламайман", деб жавоб беради.

Шу уринда яна бир ҳолатга эътибор қаратишни лозим топдик. Оиласидан ажрашгач, фуқаро фарзанди учун алимент тўлаш билан "жазо"ланади. Жазо сўзини кўштирноққа олишимизнинг сабаби, алимент жазо эмас, бу маблағ боланинг таъминоти учун тўланади. Шундай экан, ажралишни хоҳлаётган икки томонни ҳам эшитиб кўриб, бирга яшаб кетиши мумкин бўлгани ҳолда, "Йўқ! Ажрашман!" дея қайсарлик қилаётганларга алиментдан ташқари, балки бошқа жазо турини ҳам қўллаш керакдир? Тўғри, ажралиш масаласи суд томонидан ҳал этилади. Аммо, турмуш ўртоғининг ажралишга қаршилигига қарамай, судга берган қимса, у эрми ё хотин, ким бўлишдан қатъи назар, бундай хатти-ҳаракати билан эри ё аёлининг оилали бўлиб яшаш ҳуқуқини бузмаймими? Ёки, болаларнинг ҳам тўқис оилада, ота-онаси бағрида яшаш ҳуқуқини поймол қилмаймими? Уларнинг моддий таъминоти учун белгиланган алимент миқдори ҳар қанча кўп бўлмаса, ота ё она меҳрининг ўрнини боса оладими? Ажралиш тарафдудига қиришган шахсларнинг бу ҳаракати ҳуқуқбузарликка кирмайдами? Қонунчилигимизда эса ажралмоқчи бўлганларга нисбатан чора қўлланилмайди. Шундай бўлса-да, оиласини аро йўлда қолдириб кетаётганларнинг қилмишини қандай айтиш мумкин? Балки, арзимаган сабаб билан ажрашмоқчи бўлган фуқаро меҳнат қиладиган жамоада ёки истиқомат қиладиган маҳаллада унинг қилмишини муҳокама қилишни жорий этиш лозимдир? Сабаби, оиласига масъулиятсиз одам хизмат вазифасига масъулият билан ёндаша олармикан?

Айтмоқчимизки, бўлғуси олим-у давлат арбоби ҳам, ўғри-муттаҳам ҳам оилада туғилиб, илк тарбияни оилада олади. Демак, унинг келажиги, қандай инсон бўлиб вояга етиши айнан оилага боғлиқ. Тахлиллардан кўринадики, жинойат кўчасига қираётган ёшларнинг аксарият қисми айнан нотинч ёки эр-хотин ажрашган оилаларда вояга етган.

Ушбу сатрларни ўқиб, минг марта айтилган, сийқаси чиққан гаплар яна такрорланибди, дейишингиз мумкин. Аммо эртанги кунимиз ҳақида қайғуриб, биргаликда ҳаракат қилмасак, ажралишлар давом этаверсади, ота-онаси ҳаёт бўлса-да, тирик етим болалар сафи кўпайиши билан бирга, жамиятимизнинг "Муқаддас кўргон"ига путур етатверади.

Юртимиз ҳудудларидаги МФЙлари томонидан ажримларнинг олдини олиш боросида амалга оширилаётган ишлар, белгиланган чора-тадбирлар ҳусусида маълумот олиш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашига мурожаат қилган эдик. Аммо улардан жавоб ололмадик.



БУГУНГИ ТЎҚЧИЛИК ЗАМОНИДА ОИЛАЛАР НЕГА МЎРТЛАШИБ КЕТАЯПТИ?

Юксак савияли жамиятнинг мустақкам оилаларсиз куриб бўлмайди. Шу маънода, Ислмо дини кишилик жамиятининг бошқа барча жабҳалари қаторида оила масаласига алоҳида аҳамият қаратган. Шунинг учун ҳам динимиз оилани никоҳ асосида куришга алоҳида эътибор беради, уни муқаддас даргоҳ, деб тавсия қилади.

Оилани муқаддас даргоҳ, дея бежиз атамади. Айнан оиласида бахт толган одам ҳақиқий бахтиёр одамдир. Кўчада сўзи, хурмати баланд одамнинг оиласида, рўзгорида ўрни йўқ бўлса, уни бахтиёр деёлмаймиз. Кимлигимиз даражамиз, мансабимиз ёки пул, молу дунё билан эмас, оиладаги маъномимиз билан белгиланади.

Аллоҳ таоло ҳеч бир ишни беҳикмат қилмайди. Жумладан, эркак киши оила раҳбари бўлса ва у ўз раҳбарлигини шарикатда кўрсатилгандек адо этса, бундай оилалар бахт-саодатга етишади. Иймон, эътиқод ва миллий қадриятлардан йироқ оилалар эса бахтсизликка учрамоқда. Айниқса, бугунги кунда кўркўрона гарбга тақлид ва "оммавий маданият" каби маданиятсизлик ботқоғига шўнгина кишилар ҳаётида бу нарсалар яққол намойён бўлмоқда.

Мўмина, солиҳа аёлларнинг табиятида эрига итоаткорлик бор. Мўмина, солиҳа аёлларнинг эрларига итоати ўз масъулиятини тушушун ҳолдан келиб чиққан бўлмоғи лозим. Аёл эрига итоатли бўлиши лозимлиги оила мустақамлигининг муҳим

омилларидан бўлиб, динимиз талабидир. Бу талаб ҳадиси шарифда қаттиқ таъкидланиб, шундай баён қилинган:

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: "Агар бирор кишини бошқа бир кишига сажда қилишга буюрганамда, албатта аёлни эрига сажда қилишга буюрар эдим", дедилар (Имом Термизий ривоят қилган).

Итоат, мажбуриятдан кўриб ёки бошқа бирор босимдан эмас, балки тушуниб, ҳаётдаги ўрни, вазифаси ва масъулиятини ҳис этган гўзал инсоннинг итоати бўлиши лозим.

Шундай бўлгани ҳолда, афсуски, бугун бизни хавотирга солаётган бир иллат оилавий ажримлар ва унинг салбий оқибатларидир.

Шукр, бугун тўқчилик, шоду хуррамлик. Бундан 30-40 йиллар аввалги оилалар билан бугун қурилаётган оилалар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Илгари оналаримиз 4 та кўрпача, 1 та сандик билан келин бўлишган. Лой сувюқ уйларда, бўйра устида кун кечиришган. Лекин "фалончининг келини

кейтиб қолибди", деган гап дейрли бўлмаган. Аммо бугунги тўқчилик замонида оилалар мўртлашиб кетаяпти.

Ким айбдор бўлишидан қатъи назар, ажрашаётган эрхотин бу билан ҳеч бўлмаганда ўзларининг обрўлари тўқчишини ўйлаб кўришмайди? Хотин кўйган йигитнинг обрўси ошадими? Ёки, эрдан қайтган хотиннинг даражаси кўтариладими? Иккаласининг ҳам даражаси пасайиб кетади. Шу билан бирга, ажрашган эрхотиннинг ота-онасига бўлган илиқлик ҳам пасаяди.

Оила ажрашганда ким фойда қилади? Ҳеч ким. Ҳар икки томон — галаба қозонган ҳам, мағлубиятга учраган ҳам зарар кўради. Уртада фарзандлар сарсон бўлгани етмаганидек, тирик етим бўлишади.

Яқинда бир оилавий ажримда иштирок этишга тўғри келди. 61 ёшли кайнона уларнинг бирга яшашига қарши. "Боаларни бўлиб оламиз. Биттасини катта бўлганича боқиб бераман. Иккинчисини ана, онаси боқиб олсин. Яшатирайман!", дейди. Икки болани ота-онасидан айро ҳолда яшатираман, дейдиган онани ким деб аташ мумкин? Орияти, имони бор, Худодан кўрқадиган одам шу гапни гапирадими? Бола бирор маҳсулоти эмаски, бўлишиб оладиган!

Ажралишга фақат икита сабаб бўлиши мумкин. Биринчиси, агар оилада фарзанд бўлмаса. Иккинчиси эса аёлнинг ҳиёнати.

Бошқиси сабаб бўлмайди. Масалан, Нуҳ алайҳиссалом кофир аёл билан, Осий онамиз эса Фиръав билан яшаган. Улар ажрашиб кетишмаган-ку!

Азизлар, 10 яшар қизимизни бугундан келинликка тайёрлашимиз керак. Бирор нарса олиб беришни сўраса, "Пулим йўқ эди, бир ҳафтадан кейин олиб бераман" дейилса, хато бўлмайди. Қизча бир ҳафта сабр қилади. 20 ёшга етиб, келин бўлганида ҳам эрига бирор нарса олиб беришни сўраса-ю, эри бир ҳафта кутишни айтса, сабр қилади.

Агар ота-онаси айтган нарсасини муҳайё қилиб берган бўлса-чи, эридан озроқ кутгин, деган жавобни эшитиб, сабр қилармикан? Жанжал бошлади.

50 йил тинч-тотув, бахтли ҳаёт кечирган бир онахондан бунинг сирини сўраганимизда, у қуйидагича изохлаган эди:

— Оиланинг саодати, бахти аввало, аёлнинг ақлу-заковатига боғлиқ. Бу бахт назоратчилик, кўп фарзандли бўлиш ёки бой-бадавлат бўлиш орқали топилабди. Масалан, хожамнинг ҳақли чиқса, чуқур хурмат билан сукут қилдим. Ҳоқисорлик билан гапларини тасдиқлаб турдим. У кишига ҳеч қачон масхаромуз ёки газаб билан қарамаганман.

— Агар эрингиз ноҳақ бўлса, шундай сабр қилармидингиз. Ёки ундан араزلармидингиз, — деб яна сўрадик.

— Агар аёл эридан бир ҳафта аразлаб юрса-ю, эри унинг

Раҳимберди домла РАҲМОҶОВ,
Тошкент шаҳар бош имом хатйби

— Менинг гурурим эримнинг ризолигида, ўзаро муносабатда хотижамликка эришишда. Эр ва хотин ўртасида гурур бўлмайди. Аёл киши боалигида отасига жаннат эшигини очади. Келин бўлган, эрининг имонини тўлдирди. Фарзандли бўлганида эса жаннат унинг пойида бўлади. Мен бир умр шу тамойил билан бахт топдим.

Бизнинг оналаримиз мана шундай яшаган. Оталаримиз эса оила саодатини энг катта саодат деб билишган.

Ота-она фарзандининг тўйини дабдаба билан ўтказиши, уйлари чиройли безатиб бериши мумкин. Аммо ҳаётини бекаму кўст қилиб беролмайди. Бу ота-онанинг қўлидан келмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкин, бугунги кунда оилавий мождорлар гирдобига тобора ботиб бораётган Фарбдан фарқли ўлароқ, минг йиллар олдин йимон-эътиқодли аждодларимиз томонидан тамаоллашми қўйилган, ишонч ва поклик устига барпо қилинган "Оила" деган муқаддас даргоҳда, ким бўлишимиздан қатъи назар, ҳар бир оила аъзоси, зиммамиздаги белгилаб берилган вазибаларга масъулият билан ёндашса, келгуси авлодларга ҳам бахтли оила куришларига замин тайёрлаган бўлардик.

Болангиз моддий кўмакка муҳтож бўлмасин...

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида белгиланган. Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, оилалар бузилишининг олдини олиш ҳамда оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақамлаш соҳасида аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бузилишган оилаларни тиклаш ва унинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш давлат идоралари, ҳокимликлар ва маҳаллаларнинг бирдек мажбурияти ҳисобланади.

Шу маънода Бюро раҳбарияти, белгиланган график бўйича туман прокуровори, прокуроворнинг соҳа бўйича ўринбосарлари, ИИБ бошлиғи ва ўринбосарлари, ДСИ бошлиқлари, туман ҳокимлари ўринбосарлари, имомхатиб, маҳалла фуқаролари йигинлари раислари, худуд профилактика нозирлари иштирокида Тошкент шаҳар бошқармаси ва худудий туман бўлимлари томонидан пойтахтдаги мавжуд 507 та МФЙ фаоллари, қарздорлар, ажрашган оилалар иштирокини таъминлаган ҳолда алиментларнинг ўз вақтида тўланиши



зарурлигини ва имкони бўлган оилаларнинг яраштирув масалаларини кўриш мақсадидаги тадбирлар барча туманларда ўтказилди.

Тадбирларда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда қарздорлар ўртасида тушунтириш ишлари, оилаларнинг бузилиши сабабларини чуқур ўрганган ҳолда уларни тиклашнинг самарали чораларини кўриш ҳаракатлари олиб берилмоқда. Шунингдек, оилани тиклашнинг имкони бўлмаган фуқароларнинг фарзандларига тўланиши лозим бўлган алимент ва таъминот пулларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича М.Улуғбек туманлараро судининг 2016 йил 25 мартдаги суд буйруғига асосан қарздор Р.Саитовдан

ундирувчи Н.Саитова фойдасига вояга етмаган уч нафар фарзандининг таъминоти учун алимент ундириб белгиланган. Қарздор Р.Саитов 24 ой, яъни 2 йилдан буюн вояга етмаган 3 нафар фарзанди учун 10.589.412 сўм миқдоридagi алимент пулларини тўламасдан келган.

Шунингдек, Фуқаролик ишлари бўйича М.Улуғбек туманлараро судининг 2018 йил 26 январдаги ижро варақасига асосан, қарздор А.Зариповдан ундирувчи Л.Зарипов фойдасига вояга етмаган бир нафар фарзандининг таъминоти учун алимент ундириб белгиланган бўлса-да, қарздор А.Зарипова 13 ой учун тўланиши лозим бўлган 4.655.136 сўм миқдоридagi алимент пулларини тўламай келган. Бу

Музаффар МАСЛАНОВ,
Бюронинг Мирзо Улуғбек туман бўлими бошлиғи ўринбосари

каби мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 474-моддасига асосан қарздорларга нисбатан 15 (ун беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Бюронинг Мирзо Улуғбек туман бўлими олиб борган мажбурий ҳаракатлари натижасида маъмурий жавобгарликка тортилган қарздорларнинг алимент қарздорлиғи юзасидан жами 12.557.539 сўм алимент пуллари ундирувчиларга ундириб берилди.

Бюро томонидан олиб борилган тўғри тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида оилалар ярашмоқда. Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг буйруғига асосан қарздор Р.Азимбаевдан ундирувчи Ш.Азимбаева фойдасига ҳар ойлик иш ҳақи ва барча турдаги даромадларининг 1/3 қисми миқдорида, яъни икки нафар вояга етмаган фарзандлари учун алимент ундириб тўғрисидаги ижро ҳужжати бўлим иш юритувига келиб тушган. Давлат ижрочиларининг олиб борган тўғри тарғибот тушунтириш ишлари натижасида оила ярашувига эришилган.

Депутатлар атом энергияси ҳамда экологик барқарорликни таъминлашга доир қонун лойиҳаларини муҳокама қилди.

Аёл азалдан кўнглимиз фариштаси, хонадонимиз чироғи, оила таянчи сифатида улугланиб, эзгулик ва фидойилик тимсоли бўлиб келган. Бу фикрнинг тасдиғини ўтқир зехни, нодир заковати, гурури билан тарихда ўчмас из қолдирган момоларимизнинг ибратли кечмишида, бугун мамлакатимиз равнақи йўлида барчага намуна кўрсатиб, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган миллионлаб хотин-қизларимиз сиймосида, умр саҳифаларида кўришимиз мумкин.

Доимий ижтимоий муҳофаза

Сўнги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш, оилалар мустақамлигига эришиш, аёлнинг жамиятдаги ўрнини янада ошириш юзасидан кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари қабул қилиниб, изчиллик билан амалга татиб этилмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан 2018 йилнинг 2 февралда "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг қабул қилиниши фаолиятимизда янги босқични бошлаб берди.

Таъкидлаб ўтишим ўринлики, бундан беш йил аввал вилоятда раҳбар аёллар сони 260 нафарни ташкил этган

Бундан ташқари, ўтган йилда вилоятда 18 та янги цех фаолият бошлади. Натижда, яна 982 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. 1020 нафар хотин-қизга қорамол боқиш, иссиқхона барпо этиш, паррандачилик билан шуғулланишлари учун 55 миллиард 470 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Булар ижобий натижалар, аммо бу фаолиятимиздан қониқиб ҳосил қилишимиз учун етарли эмас. Ўтган йил якунида пойтахтда бўлиб ўтган Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам шу хусусда, зиммамиздаги масъулият ҳақида очиб ўринли



Иродахон КУЧҚОРОВА,
Наманган вилояти ҳққими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси

Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва турли салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Аҳоли ва ёшлар ўртасида никоҳ ҳамда оила ҳуқуқи, оила маънавияти, оила маърифати тўғрисида, шунингдек, ноқонуний, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот тад-

бирлар билдирилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг парламентга йўллаган Мурожаатномасида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг давомийлигини таъминлаш, муаммоларни ҳал этишга ургу берилди. Айниқса, бугун дунёни ташишга солаётган онкологик касалликларнинг ривожланиб бораётганини ҳисобга олиб, айти йўналишда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг хорижда малакасини ошириш, шу йўналишда аҳолига хизмат кўрсатаётган тиббиёт муассасаларини замонавий жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласидаги ишлар ҳам таҳлил қилинди. Давлатимиз раҳбари хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш лозимлигини қайд этди.

Шундан келиб чиқиб, вилоятимизда мавжуд 685 та умумтаълим мактаблари, 114 та касб-ҳунар таълими муассасалари, 769 та маҳаллалардаги уюлмаган қизлар билан ишлар тизимини янада тақомиллаштириш белгилаб олинди. Тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини бошлаш истатида бўлган 1183 нафар хотин-қизларнинг билим кўникмаларини ошириш мақсадида ўқувлар ташкил этиш, уларга имтиёзли кредитлар олишида амалий ёрдам бериш орқали бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Оғир турмуш шароитида яшаётган 188 нафар хотин-қизлар ўз уйларига эга бўлди.

бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 838 нафардан зиёд. 82 нафар аёл депутат сифатида фаолият олиб борапти. Бу юқоридаги Фармонда белгилаб берилган биринчи устувор йўналиш — хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш мақсадида олиб борилаётган ишларимиз самараси, албатта.

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, жумладан, ноғиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатини тузиш, уларга ижтимоий ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам қатор ишлар олиб боришмоқда. Айни пайтда вилоятда 19 105 нафар ноғиронлиги бўлган хотин-қизлар бор. Ўтган йил давомида жисмоний имконияти чеklangан, уй-жойга муҳтож 225 нафар аёллардан 98 нафари уй-жой билан таъминланди. Яна 188 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизлар ҳам ўз уйларига эга бўлдилар. 982 нафар ана шундай аёллар ишга жойлаштирилган бўлса, 1204 нафарига 807 миллион сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди. 120 нафар меҳнатга лаёқатлилик даражаси чеklangан аёлга бир қатор қорхоналар томонидан тикув машиналари берилиб, улар касаначи-тикувчи сифатида ишга қабул қилиндилар.

Аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Негаки, аёл, авваламбор, она. Зеро, миллат келажаги саналиш ҳар қандай қомил инсонни она тарбиялаб вояга етказди. Қолаверса, оила мустақамлиги ҳам кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, аёлларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳолати бир қатор жараёнларни босиб ўтган. Маълумки, ўтмишда аёлларнинг ҳуқуқлари чеklangан бўлиб қўйилган эди. Улар бир қанча ҳуқуқлардан, хусусан, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан маҳрум эдилар. Фабрикаларда эркаклар билан ёнма-ён 16 соатлаб ишласалар-да, уларга эркакларга тўланадиган маошининг ярми берилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил этилиши билан хотин-қизларнинг гендер тенглик учун кураши тобора уюшганроқ ва мақсадли тусга эга бўлиб борди. БМТнинг уставида тарихда биринчи марта ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, барча одамларнинг тенглиги эълон қилинди. 1946 йилда БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам

Аёлни ардоқлаган юрт

Бериш тўғрисидаги декларациясининг қабул қилиниши ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитаси ҳузурлида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик масалалари бўйича махсус маърузачи лавозимининг жорий қилиниши ушбу ҳаракатнинг муҳим натижаларидандир.

1977 йилда БМТ махсус резолюция қабул қилиб, 8 мартни аёллар ҳуқуқлари учун курашиш кунини — Халқаро хотин-қизлар байрами сифатида нишонлашни таклиф этган.

Мустақиллик ўзбек аёлига ўз қадрини аниқлади, жамиятдаги ўрни ва мақомини юксалтирди, деб баралла айта оламиз. Ҳозирда жамиятимизда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда аёлларга, билими ва ғайрат-шижоатини намоян этиши учун етарли меъёрий-ҳуқуқий база яратилган. Аёл раҳбар, йўлтувчи, шифокор, банк ходими, фермер сифатида меҳнат қилиши ва юксак натижаларга эришиши учун барча имкониятлар муҳайё этилган. Албатта, булар

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат сифатида қад ростиётганининг яққол далилидир.

Мамлакатимизнинг меҳнат қонунчилигига мувофиқ, аёлларни ишга қабул қилиш умумий асосларда меҳнат шартномаси тузиш орқали амалга оширилади. Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишнинг рад этиш тақиқланади. Ишга қабул қилишни рад этганлик учун судга шикоят қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг поймол этилган ҳуқуқлари суд томонидан дарҳол тикланади.

Меҳнат кодексининг 84-моддасига биноан ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан меҳнат шартномаси тузилганда, дастлабки синов белгиланмайди. Унинг 225-моддасига биноан эса меҳнат шартномаси тузиш орқали, шунингдек, ер ости ишларига аёлларни жалб қилиш тақиқланади. Ер остидаги баъзи ишлар, масалан, жисмоний меҳнат талаб этмайдиган ёки санитария ва маиший кўрсатишга доир ишлар бундан мустасно.

Ҳомиладор аёлларни ёки 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ноғирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунидидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Ҳомиладор аёлларга, бола тўққан аёлларга йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига қўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилди.

Янгиланаётган дунё, шиддаткор жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари кенгайиб, маъқеи мустақамланиб бормоқда. Бугун аёлни ардоқлаган юртимизда уларга кўрсатилаётган ҳурмат-эъзоз азалий анъаналаримизга содиқликни тўла-тўқис намоян этмоқда.



бирларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳам диққат марказида бўлади.

Мурожаатномадаги топшириқлар, қўйилган устувор вазифаларни ўтган йилдаги ишларнинг мантиқий давоми, деб билиш мумкин. "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" да эса биз — хотин-қизлар кўмиталаридан ҳам ниҳоятда улкан вазифаларни амалга оширишимиз талаб этиляпти. Президентимизнинг Мурожаатномасида келтирилган: "Буюк аллома Нажмиддин Кубро ҳазратлари "Муваффақиятни — саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса — лоқайдлик ва дангасаликда кўрдим", деб бежиз айтмаганлар", деган фикрлардан хулоса чиқарган ва куч олган ҳолда меҳнат ва интилишдан толмаймиз. Бу билан юртимиз тараққиётига, халқимиз фаровон ҳаётига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Одатий кунларнинг бирида иш вақти тугаб, бекатга чиқдим. Бир қиз ёнимга келиб, саломлашди. Аввалга танимадим. Танимаганимни сезиб, ўзини таништиришга тушди.

— Опажон, бу мен Ойзодаман. Автошколада бирга ўқигандик...

— Уэр, синглим, танимабман. Бой бўларкансиз... — салом-алик қилиб, бироз суҳбатлашдик. Гап орасида у исм-фамилияси билан боғлиқ муаммоли вазиятга тушиб қолганини айтиб қолди.

— Бир ҳафтадан буён тинчим йўқ. Вазирликка қатнайвериб чарчадим...

Унинг дардига қулоқ тутдим. Ойзода мактабда ўқитувчи бўлиб ишлар экан. Вазирликдан текширув келиб, уни "саводсиз" ўқитувчи эканликда айблашибди. Бунга сабаб эса синф журналларида унинг исм-шарифи гўё хатолар билан ёзилган эмиш. Аслида-чи?

Аслида эса у ўз исм-фамилиясини паспорт маълумотлари бўйича ёзган экан. Унинг паспорти ва туғилганлик гувоҳномасида ҳам Султамуратова Айзада деб ёзилиб, саводхонликни текширишга келган текширувчилар эса унинг исм-фамилиясини Султонмуродова Ойзода деб тўғирлаб кетишибди. Текширувчилар бир қарашда ҳақлидек кўринади. Аммо бу "саводсизлик" Ойзодага боғлиқ бўлмаган ҳолат.

У ўзига тегишли шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб, вазирликка бориб, масалага оидинлик киритиб юрган экан. Ниҳоят, тушунтириш хати ёзиб, айбсиз айбдор бўлганини исботлабди.



MUXBIR DAFTARCHASIDAN

Аввалги саводсизлик энди «МЕРОС»ми?



Хатолар бизни қачонгача таъқиб қилади?

"Фуқаролик паспорти" ёки "Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома"ларда исм-шарифларнинг ёзилишида йўл қўйилган имловий хатоларни қандай тuzатса бўлади? Фамилия, исм ёки отасининг исмини ўзгартириш учун қандай босқичлардан ўтилади?

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида тегишли соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик. Дастлаб пойтахтимизнинг Олмазор тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига йўл олдик. Очиги, у ердаги иш тартиби ва фуқароларга кўрсатилган хизматни кўриб, ҳавасимиз келди. Ташрифимиз сабабини билишиб, туман ИИО ФМБ М ва ФРБ бошлигининг ўринбосари Зоҳид Алимқулловга мурожаат қилишимизни айтишди. Навбатимиз келгач, ўринбосарнинг олдига кириб, баҳс-мунозарага сабаб бўлган саволларимизга жавоб олдик.

— Айрим фуқароларимиз "Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома"сидаги хатони паспорт олганинда ёки алмаштирганинда тўғирлаб оласан", дейишга одатланиб қолишган. Тўғри, бизнинг фаолиятимизда йўл қўйилган имловий хатолар учун, масалан, туғилганлик тўғрисидаги маълумотларни ёки паспорт алмаштирилганда янги паспортга нотўғри киритсак, бунга ўзимиз жавобгар бўламиз. Аммо "Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома"да йўл қўйилган имловий хатолар учун биз жавобгар

орган ҳисобланмаймиз. Аввало, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш учун ФХДЭ органига фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақида ариза билан мурожаат қилини керак.

Шундан сўнг **Олмазор тумани ФХДЭ бўлимига йўл олдик. Бизни қизиқтирган саволларга инспектор Хиёла Дадаева батафсил жавоб берди.**

— Жуда долзарб мавзуни кўтарибсизлар. Мана, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига деярли 30 йил бўлади. Авваллари хатолар давлат маҳкамаларида асосан рус миллатига мансуб кишиларнинг ишлаши билан изоҳланар эди. Бироқ хатолардан

да улар лугавий маънога ҳам таъсир қилиши мумкин. Яқинда бир ҳолатга дуч келдим. Ота — Нормуратов, фарзанд — Нармуратов, набира — Нормуратов... Ачинарлиси, учала ҳолатнинг ҳеч бири тўғри ёзилган эмас.

Илоҳи бўлса, "Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани" олишда исм-шарифларни имло хатосиз ёзишга ҳаракат қилишимиз керак. Чунки чақалоқ учун "Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани" олгани келган ота ёки бошқа васий шахс чақалоққа йўллаган исми аризада ёзма равишда тақдим қилади. Биз уни имло лугатларидан текшираимиз. Агар хато бўлса, тўғри вариантни кўрсатиб, тушунтираимиз. Ишимизда доим лугатга ва соҳавий норматив ҳужжатларга таянамиз. Лугатлардан фойдалансак ҳам хатолар нима учун камаймаяпти, дейишимиз мумкин. Чунки, яна ўша гап. "Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома"га боланинг фамилияси ота-онанинг паспортдан (агар бошқа фамилия берилмаса) кўчирилади-ку. Қарабсизки, ота-онанинг имло хатолари билан ёзилган исм ёки фамилияси ўша ҳолатда кўчириб қўйилади. Натijaда, хато бошқа кўриниш билан ўз ҳолида қолиб кетади.

Эндиликда, ФХДЭ бўлимида ота фамилиясидаги хато фарзанднинг ҳужжатида тўғирлаб ёзилиши тартиби йўлга қўйилди. Бироқ қонунчиликка асосан, фақат ота-она розилиги билангина бундай ўзгартириш киритилиши мумкин. Ачинарлиси, олган маълумотларимизга қараганда, **кўпчилик фамилиядаги хатонинг тузатилишини истамайди. "Хато бўлса ҳам,**

фамилиямиз бир хил бўла қолсин!" дейишмоқда. Бу ҳолатда, албатта, ФХДЭ ходимининг фамилияни хато билан ёзишдан бошқа илоҳи қолмайди. Кўриб турганимиздек, ота фамилиясидаги имло хатолар фарзандларига "мерос" тарзда ўтиб келмоқда. Маълумки, қонунчиликка асосан, болага исм қўйиш отанинг ҳуқуқидир. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномага ҳам исм ота-она қандай хоҳласа, шундай ёзилади. Айтилик, исмининг хато билан ёзилишини талаб қилиш ҳам ота-онанинг ҳуқуқидир. Бу онгли равишда саводсизликка интилиш эмасми?

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги

Фуқаро 16 ёшга тўлгандагина унинг аризаси кўриб чиқилади.

Қарориди ҳам далолатнома ёзувларини ўзгартириш, тузатиш, тўлдириш ҳақида тегишли қоидалар белгиланган. Далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш етарли асослар мавжуд бўлганда ва манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганда, ушбу ёзувлар сақланаётган жойдаги, агар улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган бўлса, ФХДЭ органи томонидан амалга оширилади.

ФХДЭ органининг далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиши рад этиш ижозасидан суд тартибиди шикоят қилиниши мумкин деб белгилаб қўйилган.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириши истаган шахс 16 ёшга тўлгандагина унинг аризаси ФХДЭ органи томонидан кўриб чиқилади. Агар 16 ёшга тўлган шахс паспорт ёки паспорт ўрнини босувчи шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат олгунга қадар


Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Нидо»

фамилияси, исми, ота исмини ўзгартириш ҳақида ариза берса, у ҳолда аризага "Туғилганлик ҳақида гувоҳнома" илова қилинади. ФХДЭ бўлими томонидан йиғилган ҳужжатлар тегишли текширув ўтказиш учун ички ишлар органининг тақдим қилинган ҳужжатларни 30 кун мобайнида ўрганиб чиқади, ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исмини ўзгартириш хусусида асосланган хулоса тузади ва уни ФХДЭ органига тақдим этади. Ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исмининг ўзгартирилиши мақсада мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тузилган тақдирда ушбу ҳолатнинг аниқ сабаблари кўрсатилади.

Агар шахс Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг 15-моддасига кўра исмига "хон", "хўжа", "бону", "бегим" каби, ота исмини ёзишда "евич", "овна", "қизи", "ўғли", каби қўшимчаларни киритишни ёки олиб ташлашни истаса, бу ҳолат шахсининг ёшидан қатъи назар, далолатнома ёзувида қўшимча киритиш йўли билан амалга оширилади. Аксинча, далолатнома ёзувида шахсининг исми қисқартирилиб, эр-калш шаклида ёки имловий хато билан ёзилган бўлса, далолатнома ёзувида тузатиш киритиш ушбу шахсининг аризаси асосида амалга оширилади. Масалан, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида шахсининг исми Мохчеҳра деб ёзилган бўлса — Мохчеҳрага, Батир деб ёзилган бўлса — Ботирга ўзгартириш каби.

Далолатнома ёзувида ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга етарли асослар мавжуд бўлганда, тегишли ўзгартиришлар киритилади ва ариза берувчига янги гувоҳнома расмийлаштирилиб, янги гувоҳномага "такрорий" деб белги қўйилмайди.

Ўрганишларимизда кўпчилик исм-фамилияси билан боғлиқ хатоларни тўғрилашни ортқича оворагарчилик, деб ҳисоблаб, уни тuzатмаслигини ҳам билдик.



FAOLIYATIDAN

ТАРАҚҚИЁТ ОЎФИДАГИ ТУШОВ

Яхшиликлар, эзгуликлар, хайрли амаллар баробарида, минг афсуски, жамиятни, инсониятни таназзулга элтувчи, ҳалокат ботқоғига ботирувчи иллатлар, кушандалар бисёр. Порахўрлик, тамагирликни ана шундай ҳалокатлар, хавфли иллатлар қаторида санадан ўзга йўл йўқ. Зотан, у ҳақда қайта-қайта бонг уриб, такрор ва такрор огоҳликка ундамайлик, айрим масъул-мансабдорлар нафсини тия олмаяптилар.

"Асл кремнийли сув" сертификати атрофидаги ўйин

Аҳоли хотиржамлигини таъминлашда Давлат санитария эпидемиология назорати маркази ходимларининг алоҳида ўрни бор. Улар ҳудудларда метрология ва стандартлаштириш талабларига риоя қилиниши устидан назорат олиб бориб, кириб келаётган ва чиқиб кетаётган маҳсулотларни текшириб, гигиеник сертификат беради. Қисқача қилиб айтганда, аҳоли саломатлигига хавф солувчи омилларнинг олдини олади ҳамда бартараф этади.

Ифтихор СУЛТОНОВ,
Департаментнинг Янгийул туман бўлими бошлиғи

Янгийул туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори бўлиб ишлаган Шомансур Мирзахоловнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам зиммасига мана шундай масъулиятли вазифалар юклатилган эди. Бироқ у фаолияти давомида ноқонуний ишларга қўл уриб, ўзига билдирилган ишончни оқлай олмади.

Янгийул туманида жойлашган "Нов" сихатгоҳидан чиқиб турган сув шифобахш хусусиятларга эга бўлгани учун уни маҳаллий ва сихатгоҳда соғлиқларини тиклаётган фуқаролар истеъмол қилади. Бу сувни республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам етказишни мақсад қилган фуқаро Маъмур Ризаев сихатгоҳ билан шартнома тузади ва тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб, "Асл кремнийли сув" МЧЖни ташкил қилади.

Ичимлик сувини қадоклаб сотиш билан шуғулланиш учун эса давлат стандартлаштириш марказидан сертификат ҳамда ҳудудий Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг рўйхатини олиш талаб этилар эди. М.Ризаев шу мақсадда туман ДСЭНМ бош шифокорига учрашади. Ш.Мирзахолов эса тадбиркорликни бошлаб, юртдошларимизга шифобахш сув етказиб беришдек хайрли ишга қўл урган М.Ризаевга қонуний йўл кўрсатиб, ёрдам бериш ўрнига, мазкур жараёндан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишни мақсад қилади.

Бош шифокор бу ишни амалга ошириш кўп вақт талаб қилиши, унинг ўстига аначагина овозгарчиликлар бўлишини айтиб, унинг шаштини туширади. Агар "ҳаражати" дан қочмаса, ҳаммасини ўзи қисқа муддатда тўғирлаб беришини айтади. Унинг алдовларига ишонган М.Ризаев бу иш қанчага битишини

сўраганида, бош шифокор 3 миллион 500 минг сўмга барча керакли ҳужжатларни тайёрлаб беришини тушунтиради. Унинг талабига рози бўлган М.Ризаев аввалга 200 АҚШ доллари бериб кетади. Қолганини эса иш биттандан кейин ҳисоб-китоб қилишга келишадилар.

Аммо орадан ваъда қилинган вақт ўтса-да, сертификатдан дарак бўлмайди. Кўнгирилган турли баҳоналар рўқча қилинаверади. Сабри тугаган М.Ризаев бу ишга ойдинлик киритиш учун Ш.Мирзахолов билан юзма-юз кўришади. Ушбу жараёнда бош шифокор яна бир найрэн ишлатади. Бу сафар бўлажак тадбиркорни туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лаборатория мудири Саида Бурхоновага рўпара қилади. Мудир эса бошлиғи билан келишилганидек иш тутиб, ҳаммаси битай деб қолгани, фақат муаммо пулга бориб тақалаётганини айтиб, келишувдаги қолган пулни ҳам беришини таъкидлайди. М.Ризаев унинг гапларига ҳам ишонади ва яна 1 миллион 600 минг сўм пул келтириб беради. Кунлар ортидан ҳафталаб ўтса ҳам, сертификатдан дарак бўлмайди. Шундан сўнг М.Ризаев тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Янгийул туман бўлими ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув жараёнида Ш.Мирзахолов ва С.Бурхонованинг қилмишлари фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Янгийул туман суди томонидан уларга тегишли жазо тайинланди.

Ўйламай қилсанг иш...

Сардорбек КУРБАНОВ,
Департаментнинг Ҳўжабод туман бўлими инспектори

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Ҳўжабод туман бўлимига фуқаро Р.Маркиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ариза билан мурожаат қилиб, фуқаро Дилшод Шокиров уй-жой куриш учун "Хидирша" МФЙ ҳудудига жойлашган туман ҳокимлиги захирасидаги бўш ер майдонидан 0,08 гектар ер майдонини туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастрида ишловчи танишлари орқали ажратиб бериши эвазига 500 АҚШ доллари миқдорига пул талаб қилаётганини маълум қилади.

Унинг аризаси юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда Д.Шокиров талаб қилинган пуллари олаётган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Шундан сўнг унинг кўрсатмасига асосан тезкор тадбир давом эттирилиб, туман ҳокимлиги бош мутахассиси туман ҳокимининг қарорини чиқариб бериши эвазига 300 АҚШ долларини олган вақтида департамент ходимлари томонидан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан жиноят иши кўзғатилган. Жиноят ишлари бўйича Ҳўжабод туман суди томонидан уларнинг ҳар бирига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорига жарима жазоси тайинланди ва иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ундирилган ҳолда маълум муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ана шунга айтилганда "Ўйламай қилинган иш фақат ташвиш келтиради" деб...

Психиатрнинг найранги

Аминбай КАЛАНДАРОВ,
Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси катта инспектори

Бугунги кунда шарафли бурчини виждонан адо этиб келаётган шифокорлар кўпчиликини ташкил этади. Аммо беш қўл баробар эмас, деганларидек, улар орасида қинғир йўллар билан пул топишни мақсад қилганлари ҳам учраб турибди.

Хузурига шифо истаб келаётган беморлардан муолажа ва жарроҳлик амалиётлари учун пора талаб қилаётган, ҳалатининг чўнтагига пул солиб қўймаган беморларга қўл учда, истар-истамас хизмат кўрсатаётган, давлатимиз томонидан бепул ажратилаётган дори-дармонларни аҳолига пуллаб, ўз ҳаёмини қаппайтираётган, тиббий билим ва малакаси талаб даражасида бўлмаган таниш-билишларини пора эвазига тиббиёт бирлашмаларига ишга жойлаштиришга ҳаракат қилаётган айрим шифокорларнинг ҳатти-ҳаракатлари жамият ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳазорасп туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси психиатр шифокори ҳам енгил даромад топиш мақсадида қабулига келган беморнинг дардига эмас, нафсининг

"дарди"га қўлқў тутди. Шифокор ақли заиф касаллиги билан туғилган беморга ногиронлик гуруҳи тайинланиши эвазига унинг опасидан 600 минг сўм талаб қилади.

Фуқаро Фарид Махидова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мазкур ҳолат юзасидан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига мурожаат қилади. Ариза юзасидан ўтказилган тезкор тадбир давомида психиатр шифокор Д.Олимов фуқаро Ф.Махидовадан 600 минг сўм пулни фирибгарлик йўли билан олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Порахўрлик, тамагирликни касб қилган ҳеч бир шахс жазосиз қолиб кетмайди. Бундай қилмиш эртаси-кечиси барибир фош бўлиши аниқ. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мансаб даромад манбаи эмас

Содиққон АЧИЛОВ,
Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Яхши биламизки, коррупция тараққиёт кушандаси сифатида жамият ривожланишига жиддий тўсиқ бўладиган ҳолат. Бугунги кунда жиноятнинг ушбу жирканч турига нисбатан курашиш ва унинг олдини олиш борасида жуда кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда. Департаментнинг Бухоро вилоят бош-

ри ва 132 нафар бошқа давлат идоралари ходимлари устидан жиноят ишлари кўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бошқармаимиз томонидан юритилган 271 та жиноят ва 317 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар бўйича ноқонуний

шига эришилди.

Бугун халқни рози қилиш йўлида фаолият юритаётган турли касб агалари ҳалоллик мезонига таяниб, олдимизга қўйилган устувор вазифаларни бажариши маъсулияти ва мажбуриятини ҳис қилиши шарт!

Илмининг бош ҳужжати сифатида эътироф этилаётган Мурожаатнома мазмунини ўз ифодасини топган, иқтисодий барқарорликка эришиш, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, адалат мезонларига бўлишига йўл қўймаслик, инсон омили, унинг фаровон турмуши ва бахтли ҳаёт кеचирishi учун амалга оширилаётган ишловлар, қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлашда ҳар бир фуқаро масъул ва дахлдор эканлигини унутмаслигини керак. Ана шундан ҳам қандай жиноят илди-зига болта уриш мумкин бўлади.

Порахўрлик билан боғлиқ 156 та жиноят фош этилди.

қармаси ходимлари томонидан ушбу йўналишда олиб борилган ишлар мониторинги билан фикримизга ойдинлик киритамиз.

Коррупция ва унинг муҳдуси қўрилиши - порахўрлик билан боғлиқ 156 та жиноят фош этилди. Шундан мансаб билан боғлиқ жиноятларни аниқлашга қаратилган тадбирлар натижасида 14 нафар банк, 10 нафар маҳаллий ҳокимият, 3 нафар ички ишлар идорала-

муомаладаги 2,77 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 22,2 миллиард сўм зарар аниқланиб, бюджетга қўшимча 48,6 миллиард сўм миқдоридagi маблағлар ҳисобланди. Жами 32 миллиард сўм, шундан бюджетга қўшимча ҳисобланган маблағлар ҳисобидан 17,9 миллиард сўм, аниқланган зарар ҳисобидан эса 14,1 миллиард сўмининг ундирили-

Мухторжон Темиров Норин тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимда ишлар, айтиш жоизки, ёш кадр бўлгани учун вазифасига сидқидилдан ёндашганида эл саломатлиги учун кўп наф келтириши мумкин эди. Аммо у тамагирлик аталмиш иллатга осонгина мағлуб бўлди. Уч ойдан буён анчайин таниш бўлиб қолган аёл унинг хузурига кириб, жиянини туман тиббиёт бирлашмасининг турғуққа тайёрлаш бўлимига ишга жойлаб қўйишда ёрдам сўради.

Доллар ардида ардманд епутат

Мансуржон СИДДИҚЖОНОВ,
Норин туман прокурори
ўринбосари

Табиийки, тиббиёт муассасаларида бўш иш ўрни мумкин эди. Бошлиқ бунга билгани ҳолда айёрлик қилди.

— Ҳозир бу имконсиз, қолаверса, ТТБга ишга кириш учун 300 АҚШ доллари беришингиз лозим. Бошқа бўлимига эса майли, сиз учун 200 АҚШ доллари эвазига жиянингизни жойлаймиз!

“Майли-да, ҳозир иш дегани отликқа ҳам йўқ-ку!” деган ўй кечдими хаёлидан, хуллас таниш аёл бош шифокорнинг шартига қўнди. Аввалига ҳамшира сифатида ишга кириди-ган номзод ТТБда иш ўрганиш турди. Бу орада таниш аёл Мухторжон Темиров хузурига кириб, жиянининг тезроқ ишли бўлишини илтимос қилди.

Илтимоснинг битиши нимага боғлиқ эканини икки томон ҳам яхши биларди. Хуллас, “Бўладиган ишининг бўлгани яхши”, деган ўй ҳар икки томонни манфаат юзасидан рўбарў қилди.

Мухторжоннинг кўнгли тўқ эди. Хар ҳолда, таниш аёл, синашди. Шунинг учун доллари нисбат хонасига олиб келаверишини тайинлади.

Пул берилди. Аёл чиқиб кетганидан кейинги воқеалар

кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Тиббиёт бирлашмаси бошлигининг хонасига кириб келган хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари “главрач”ни пора билан қўлга олишди.

Унинг хонасидан шунингдек, ишга кириш истагида мурожаат қилган ўнлаб талабгорларнинг аризалари, паспорт нусхалари, маълумотнома, тавсифнома каби ҳужжатлар тўлаими ашёвий далил сифатида олинди.

Нафс тузоғига илинган шифокор-депутат «порахўр-тамагир»га айланди.

“Афсус”, демокдан ўзга чора йўқ. М.Темиров нафси измига бўйсуниб, ўз номига, шаънига “порахўр-тамагир”, деган тамғани босиб олди.

У яхши шифокор сифатида халққа хизмат қилиши, беморлар дардига малҳам улашиб,

дуо олиб, эл орасида юзи ёруф бўлиб юриши мумкин эди. Қанчалар машаққат, не-не заҳматлар эвазига тиббиёт илмини эгаллаганди. Ота-онаси яхши ният-истаклар билан саломатлик посбонидек касб эгаси бўлиши йўлида камолга етказган, қолаверса, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимига бўлган анчайин босқични босиб ўтган эди. Халқ унга ишонч билдириб, халқ депутатлари Норин тумани Кенгашига сайлаган, боз устига, “Адолат” социал демократик партиясининг туман Кенгаши раиси ҳам ҳисобланарди.

Умид, ишонч, масъулият. Унга юклатилган, ишониб топширилган вазифаларда, мавқе ва мақомда буларнинг барчаси мужассам эди. Ҳаммаси нимагинг эвазига барбод бўлгани эса барчамизга кундек равшан бўлиб турибди. Алал-оқибат, қилимиши уни жиний ҳавобгарликка юзма-юз қилди.

Огоҳ бўлинг, ўз келажагингизни, йиллар мобайнида мисқоллаб йиққан обрў-эътиборингизни ўз инон-ихтиёрингиз билан бой берманг. Унутманг, жиноятга жазо муқаррар!

Ўтган йилнинг август ойида Қизилтепа туманида бўлган машъум воқеа барчамизни жиддий мушоҳада қилиб кўришга мажбур қилди. Негаки, 30 йилга яқин бирга яшаётган, 4 нафар фарзандни тарбиялаётган икки инсонда вақтлар ўтиши билан бир-бирига нисбатан ишончсизлик, адоват туйғуларининг алангалаб бориши охир-оқибат эрининг ўлими билан якун топди.

Ишончсизлик ва адоват

Фуломжон Аллаев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) дурадгор уста эди. Бирок, охириги пайтларда негадир қўли ҳеч бир ишга бормай, спиртли ичимликка муккасидан кетди. Укасининг судда берган кўрсатмасида акасининг ичкиликка берилишига қишлоқда 2011 йилда туғилган қизи Д.Ҳақимова Фуломжоннинг фарзанди эмаслиги ҳақида тарқалган гаплар сабаб бўлганини айтади. Бу қанчалик ҳақиқат, бўёги бизга қоронгу, аммо Ф.Аллаевнинг ҳар кун ширакайф бўлиб олиши одат тусига айланган эди. Натijaда оилада тинчлик-ҳаловат йўқолди.

Оила бекаси Дилдора Шарипова қишлоқнинг ишсиз аёлларига бош-қош бўлиб, фермер хўжаликларига ёлланма ишчи бўлиб ишлаб, пул топарди. Одатий кунларнинг бирида, аниқроқ айтадиган бўлсак, 2018 йилнинг 27 август кун қизи ва бир неча қишлоқ аёллари билан бирга Кармана туманидаги фермер хўжаликларида бирига борди. Кечгача далада ишлаб қайтган аёл уйда одатдаги ҳолатнинг устидан чиқди — эри маст аҳволда эди. Яна жанжал бошланди. Хотин эрининг “пияниста” лигидан нолиса, эр уни ахлоқсизликда айблади.

Аёлнинг аввалдан зўрайиб келаётган нафрати шу кунги ўз

Худойберди НОРҚОБИЛОВ,
Новоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

“қудрати”ни кўрсатди. Эрининг маст ҳолатда ётганини, ўзини химоя қилиш ва фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслигини англаб, ишга киришди. Ошхонада турган челақ дастасига боғланган ипни ечиб олиб, Фуломжоннинг тепасига келди ва эрининг бўйнига сиртмоқ солди...

Энг даҳшатлиси, Дилдоранинг бу ҳаракатлари вояга етмаган қизининг кўз ўнгиде содир этилган эди.

Аввалига аёл турли баҳоналар билан эрини ўлдириш нияти бўлмаганини, шунчаки уни боғлаб қўйганини айтиб, айбини тан олишни истамади. Бирок далиллар қаршида “оқиз” қолди.

Суд томонидан унга 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Юқорида айтиганимиздек, биз шунчаки воқеа тафсилоти билан чекланиш фикридан йироқмиш. Гап оила мустаҳкамлигига путур етказувчи, уни зимдан емирувчи ишончсизлик, бир-бирига нисбатан хурматини йўқолиб бориши ҳақида бормоқда. Бундан ташқари, яна ўша иллат — ичкилик касофати бир инсоннинг “бошини еди”.

Бугунги кунда ҳақиқий тadbиркорни иш бошлаганда кўриш керак. Бундай дейишимизнинг боиси, ушбу соҳани танлаганларнинг ҳаммаси ҳам ҳалол-пок бўлиб чиқавермас экан. Баъзилари дилига туккан қинғир режаларини амалга ошириш учун тadbиркор ниқобида фаолият олиб борар эканлар. Бу каби кимсалар нафс балосига йўлиқиб, амалдаги қонун ва ҳужжатларни буза бошлайдилар.

«НАҚД» И ПАНЖАРА ОРТИГА ЕТАКЛАДИ



Хуршиджон САНОЕВ,
Бош прокуратура бошқарма АМИБ терговчиси

солиқ тўловларини тўлашдан бўйин тўлаган. Шунингдек, Ш.Камолов тегишли қонун ва ҳужжатларга кўра, лицензия олиб, кейин фаолият олиб бориши шарт бўлган хизмат тури билан махсус рухсатнома олмастан шуғулланиб келганлиги ҳам тергов жараёнида фош этилди. У шу тариха аҳолига 2 миллиард 814 миллион 770 минг сўмлик ноқонуний транспорт хизмати кўрсатганлиги маълум бўлди.

Қилмишлари қонунларимизга хилоф эканлигини билган Ш.Камолов жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида МЧЖнинг солиқ солинишига асос қилинган молиявий ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоботларини қасддан нобуд қилди.

Охир-оқибат савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини, талабларини қўпол равишда бузган Ш.Камоловнинг қилмишларига нисбатан жиноят ишлари бўйича Мировод туман судида ҳукм ўқилди. Унга кўра, бу шахсга 5 йил муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. “Раҳнамо”сининг топшириқларини кўр-кўрона бажариб келган Даврон Ҳосилов ҳам суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Шамшод Камоловнинг (исм-фамилиялар ўзгартirilган) тadbиркорлик субъектини ташкил этиб, унинг ортида ноқонуний ишлар билан шуғулланишни мақсад қилгани қилмишларидан маълум бўлди. У 2017 йилнинг декабрь ойида Мировод туман тadbиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш ягона дарча марказидан рўйхатдан ўтиб, қурилиш бўйича фаолият олиб борувчи “Plast construction building” масъулияти чекланган жамияти ташкил этди. Мақсади ғаразли бўлгани учун жамиятга бошқа бир фуқаро, фақатгина ҳужжатларга имзо қўйиб турувчи Даврон Ҳосиловни “қўғирчоқ” рақбар қилиб тайинлади. Шундай қилса, гўёки келажақда ўзи жазодан четда қоладигандек.

Хўш, норасмий бошлиқ ишни нимадан бошлади? У энг аввало, ҳисоб рақамидеги пулларга қурилиш моллари

сотиб олади. Кейин эса қалбаки шартнома, ишончнома ва юк хатлари асосида терговда шахсини аниқлашнинг имконияти бўлмаган турли шахсларга нақд пулга сотиб юборди. Нақд пулни эса банкдаги ҳисоб рақамига кирим қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Боиси, ҳали олдинда асосий мақсад турарди-да.

Кўр-кўрни қоронғуда топади, деганларидек, Ш.Камолов қурилиш баҳонасида пул ўзлаштириш мақсадида юрган ташкилот раҳбарлари билан тез тил топишди. Улар билан шартномалар имзолаб, ушбу субъектларнинг бюртмаси асосида қурилиш ишларини амалга оширганлиги ҳақидаги сохта ҳужжатларни ҳам расмийлаштиради. Келишувга кўра, Ш.Камолов “хизмат ҳақи” учун ҳисоб рақамига ўтказилган пуллардан

ўзининг фойзаларини олиб қолиб, қолган пулларни нақд қилиб, бу каби кимсаларга қайтаради (мазкур шахслар ҳам тегишли тартибда жавобгарликка тортилган). Шартномада кўрсатилган қурилиш ишлари эса қоғозда қолиб кетаверади.

Хуллас, Ш.Камолов шу тариха 2017 йилнинг декабрь ойидан 2018 йилнинг апрелига қадар 54 миллиард 81 миллион 148 минг сўмлик товар-моддий бойликларини юқоридеги каби сохта ҳужжатлар билан сотиб юбориб, пулларни банкдаги ҳисоб рақамига топширмастан, “нақдлаштириш” билан шуғулланиб юраверади.

Натijaда эса Ш.Камолов “товарсиз операциялар”ни амалга ошириб, давлатга тўлашни шарт бўлган 5 миллиард 479 миллион 289 минг сўм ягона

Жорий йилнинг 15 март кун пойтахтимизда барпо этилган «Нито Арена» муз саройининг очилиш маросими бўлиб ўтади.



FAOLIYATIDAN

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда давлат хариди учун бошоқли дон маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо шундай бўлсада, соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Жумладан, ерларнинг сифатсиз тайёрланиши, агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, айниқса, дон экиннинг кечиктириб юборилиши, талаб қилинган моддий-техника ресурслари ўз вақтида етказиб берилмаслиги оқибатида қўтилган ҳосил олинмаётти. Вазирлар Маҳкамасининг "Бошоқли дон етиштириши янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори соҳа ра-

Юқори ҳосилдорлик учун рағбат

нақиға тўғанок бўлаётган ушбу муаммоларни бартараф этиш ва уни сифат жиҳатидан янада ривожлантиришга қаратилган. Ушбу қарор билан 2019 йил ҳосилидан фермер хўжаликлари учун қатор имтиёзлар жорий этилиб, фидийи меҳнаткашларни рағбатлантириш тизими ҳам яратилди. Жумладан, етиштирилган 3-синфли юшоқ бугдойнинг ҳар бир тоннаси учун кафолатланган давлат харидининг ўртача нархи 2018 йил ҳосилига нисбатан 1,6 мартаба оширилиб, 1 миллион 200 минг сўм қилиб белгиланди.

Фермер хўжалиklarини янада рағбатлантириш мақсадига суғориладиган майдонларда етиштирилган бошоқли

дон экинлари ҳосилдорлигига қараб давлат хариди учун етказиб берилган дон харид нархига 25 фоизгача устама тўлаш жорий қилинди. Мисол учун, 30 гектар суғориладиган ғалла майдонидан ўртача 62 центнердан ҳосил олинса ва унинг ҳар гектаридан 30 центнернинг контрактация шартномаси асосида топширилиши назарда тутилса, унда топшириладиган 90 тонна доннинг ҳар бир тоннаси учун 1 миллион 500 минг, жами 135 миллион сўм тўлаб берилади. Бундан фермер хўжалигига 27 миллион сўм қўшимча даромад кириб келади. Шунингдек, қарор билан бошоқли дон етиштириш харажатлари учун давлат харидига етказиб бе-

риладиган бошоқли дон қийматининг 100 фоизгача йиллик 5 фоиз миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши ва бошоқли дон учун яқиний ҳисобкитоблар 2019 йил 1 сентябр-га қадар тўлиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Эндиликда юқори ҳосилдорликка эришган фермерлар рағбатлантирилади, режадан паст ҳосил олган фермерларга масъулият ва мажбуриятлар юклатилади.

Қарорга кўра, фермер хўжалиги томонидан тўланадиган ягона ер солиғи ставкасига ҳосилдорлик ҳар гектарига 30 центнер ва ундан паст бўлганда 2 баробар, 31 центнердан 40 центнергача бўлганда 1,5 баробар кўпайтирувчи коэф-

Амандавлат ХОЛИҚОВ,
Инспекциянинг Фарғона тумани бўлими бошлиғи

фициентларни кўллаш белгилаб қўйилди.

Суғориладиган майдонларда етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорлигига қараб, давлат хариди учун етказиб берилган дон нархига 25 фоизгача чегирма кўллаш тартиби жорий этилди.

Ҳосилдорлик гектарига 30 центнер ва ундан кам бўлганда — 25 фоиз, 31 центнердан 40 центнергача бўлганда — 15 фоиз харид нархига чегирма билан давлатга етказиб берилган дон учун тўлов амалга оширилади. Масалан, ҳар бир гектар суғориладиган майдондан 30 центнердан кам ҳосил олинса, 25 фоизли чегирма қўлланилади ва давлат хариди учун топшириладиган доннинг ҳар бир тоннаси учун 900 минг сўм харид нархи белгиланади. Бу 90 тонна дондан 27 миллион сўм зарар кўрилади дегани.

Энг асосийси, гектаридан 40 центнердан кам ҳосил олинганда бу "ерга нисбатан хиёнат" деб баҳоланади, фермер хўжаликлари билан ер ижара шартномаси бекор қилинишига бўлган чоралар кўрилади.

Мазкур тартибнинг қўлланилиши деҳқон ва фермерларнинг ҳосилдорлигини ошириб боришга бўлган интилишини қўлайтириш, моддий жиҳатдан рағбатлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Эндиликда юқори ҳосилдорликка эришган фермерлар рағбатлантирилади, режадан паст ҳосил олган фермерларга масъулият ва мажбуриятлар юклатилади.

Юқори ҳосил учун устама

Паст ҳосил учун чегирма



Эгри йўл бош эгади

Равшан ХОДЖАЕВ,
Инспекциянинг Фарғона вилоят бошқармаси бўлим бош инспектори

Инсонга юклатилган вазифа, аввало, қатъий мақсад ҳамда йўналишга қаратилган бўлади. Агар у ваколат ва адо этилиши лозим саналган хизмат талабларидан четга чиқса, албатта жавобгарликка тортилган.

Одатда бундай ҳолат ўзбошимчилик билан амалга оширилиб, бунинг натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилиши мумкин.

Қилмиш-қидирмиш, дейди халқимиз. Инсоннинг ҳаётда йўл қўйган хатоси, нопок амаллари оқибатсиз бўлмайди. Бироқ фарғоналик А.Р. ана шу ҳақиқатни писанд этмади.

У дастлаб ҳаётда тўғри йўлнинг бошини тутди: ўқиди, оила курди, ҳалол меҳнатга бел боғлади. Бир неча йил олдин вилоятдаги пахта тозалаш корхоналаридан бирига ишга жойлашиб, масъулиятли лавозимда фаолият юритди. Аммо, бора-бора унинг назарида тўғри йўл билан тирикчилик қилиш бемаъниликдай туюла бошлади. Масъул лавозимга тайинланган, қатъий ҳисобдаги маҳсулотларни талон-торож этишининг турфа усуллари йўлай бошлади ва уни ҳаялламай бажаришга киришди.

Гап шундаки, Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекциянинг Фарғона вилоят бошқармаси томонидан ўтказилган мониторинг давомида А.Р. фаолият юритаётган пахта тозалаш корхонасидаги айрим ходимларнинг хатти-ҳаракати шубҳа уйғотди. Яъни, жорий йилнинг 10 январь куни юк ташувчи транспорт воситаси ҳайдовчиси Р.З. бошқарувдаги улов корхонада юкланган чигит маҳсулотларини жамият ҳудудидан олиб чиқиб кетганлиги видео кузатув камерасида акс этганлиги, лекин тарозихонадаги қайд этиш китобида қайд этилмаганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида аниқланишича, корхона товаршуноси А.Р. ҳайдовчи З.Р. билан тил бириктириб, 14 миллион 331 минг 947 сўмлик жами 22 790 кг. техник чигитни уловга юклаб, қайта ишлаш корхонасига олиб бормасдан ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари А.Р. чигитни ёғ-мой корхонасига жўнатишда расмийлаштирилмаган қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар, яъни, юк хати, техник маҳсулотдан намуна олиш далолатномаси ва техник чигитнинг сифатини аниқлаш натижалари бўйича синов баённомаларини содир этган ноқонуний ҳаракатларини яшириш мақсадига йўқ қилиб юборган.

Шу ўринда бир ҳолат кишини мулоҳазага чорлайди. Гап шундаки, А.Р. олдин ҳам ўзганинг мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлари учун суд ҳўкми билан жазога тортилган эди. Наҳотки, у бундан ўзига тўғри хулоса чиқармаган бўлса?!

Мазкур ҳолат юзасидан ушбу шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

Инновациянинг калити — кластер

Улубек ЯХШИМУРДОВ,
Инспекциянинг Самарқанд вилоят бошқармаси бўлим катта инспектори

Президентимизнинг 2018 йил 13 ноябрдаги "Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига кўра, илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганган ҳолда ҳудудларда парранда етиштиришни, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ҳолида истеъмолчига етказишни, экспорт салоҳиятини тўлиқ қамраб олган паррандачилик кластерлари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори асосида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг парранда маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, тармоқни ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари билан жиҳозлаш, хорижий давлатлар билан қўшма корхоналар ташкил этган ҳолда арзон ва сифатли парранда гўшти ва туҳум етиштиришни кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш сингари долзарб масалалар тармоқ ходимлари олдига беш вазифа қилиб қўйилган.

Айни пайтда вилоятда мавжуд 140 та паррандачилик корхоналарида 6 миллиондан зиёд парранда боқилаётган бўлса, улардан бир кечакундузда 1 миллион 400 мингдан ортиқ туҳум

олинмоқда. Паррандачилик корхоналари томонидан насли ҳўжа, туҳум ва чорва озуқаси Тожикистон, Афғонистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Президентимизнинг юқоридаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Самарқанд вилоят ҳўкимининг 2018 йил 17 ноябрдаги қарорига асосан, 2019-2021 йилларда паррандачилик кластерларини ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Лойиҳага кўра, Самарқанд туманидаги "Навобод насли парранда" кўп тармоқли фермер хўжалигида паррандачилик кластери ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Мазкур хўжаликда 230 мингдан ортиқ товуқ парвариланиб, ойига 200 тоннага яқин товуқ гўшти етиштириляпти.

Корхонада 600 минг дона туҳум сигимига эга 27 жуфт замонавий инкубация ишлаб турибди. Бу ҳар ойда 1 миллионга хўжа очириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, сигими 300 тонна бўлган музлатгичда товуқ гўштини сифатли сақлаш имкони яратилган. Муҳими, янги технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхонасида 40 га яқин қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланган.



Ижронинг таъминланиши адолатдан далолат

Судлар томонидан чиқарилган қарор ва буйруқлар ижроси таъминлангандагина адолат чин маънода галаба қозонади. Агарда суд ҳужжатлари ижросиз қолса, унинг оддий қоғоздан фарқи қолмайди.

Суд ва бошқа орган қарорларининг ижросини таъминлаш вазифаси эса Бош прокуратура ҳузуридаги Бюрога юклатилган. Хозирда Бюронинг Тошкент вилояти бошқармаси томонидан мазкур йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бошқарманинг Ангрэн шаҳар бўлими томонидан 2019 йил январь ойи давомида 1103 та 3,5 миллиард сўмлик ижро ҳужжатлари амалда ижро қилинган, 47 та ижро ҳужжатлари "Суд ҳужжатлари

ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 64, 67-моддаларига асосан қарздорларнинг ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратилган. Қарздор юридик ва жисмоний шахслардан 3,3 миллиард сўмлик солиқ қарздорлиги ундирилиши таъминланди.

Бундан ташқари, икки ойдан ортиқ муддатда алимент тўламаган қарздорлардан 9 нафарига нисбатан МЖТКнинг 47-4-моддасига асосан тўланган ҳужжатлар Ангрэн шаҳар маъмурий судига юборилиб, уларга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилди. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 17 йил 25 сентябрдаги ижро ҳужжати асосан Ангрэн шаҳрида истиқомат қилувчи Жаҳонгир Парпиев икки нафар вояга етмаган фарзандлари таъминоти учун Бахтинисо Ахматова фойдасига алимент тўлаши белгиланган. Давлат

ижроси томонидан бир неча марта оғохлантиришларга қарамадан Ж.Парпиев урсиз сабабларга кўра икки ойдан ортиқ муддатда алимент тўлашдан бўйин товлаганлиги учун суд қарори асосида маъ-

Бир ойда 3,5 млрд. сўмлик ижро ҳужжатлари ижроси таъминланди.

мурий жавобгарликка тортилган. Бироқ, Ж.Парпиев маъмурий қамоқ жазоси қўлланилгандан сўнг ҳам икки ойдан ортиқ вақт мобайнида алимент тўламадан қочиб юрганлиги учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси билан жиноий иш қўзғатилди. Жиноят ишлари

Мохизода ЮСУПОВА,
Бюронинг Ангрэн шаҳар бўлими бошлиғи

бўйича Ангрэн шаҳар судининг ажрими асосида унга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилди.

Бўлим томонидан вояга етмаган фарзандлар етим бўлиб қолмаслиги учун оилаларни яраштириш чоралари ҳам қўрилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 7 та ижро ҳужжати бўйича оилалар яраштирилди. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг Ангрэн шаҳрида яшовчи Фарход Артикбаевдан ундирувчи Севара Артикбаева фойдасига алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида оила яраштирилди ҳамда ундирувчининг аризаси асосида мазкур ижро иши Қонуннинг 40-моддаси 1-қисми асосида тамомланди.

Киссага фойда, давлатга зарарми?

Бош прокуратура ҳузуридаги бюроси органлари томонидан энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида тўлиқ ундирилишига, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тороҳ қилиш ҳолатларини аниқлаш, бар-тараф этиш ва унинг олдини олишига, суд ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтказилаётган тадбирларда ўзбошимчилик билан фойдаланиш ҳолатларига чек қўйилмоқда. Жумладан, Яққасарой тумани У.Носир кўчасида жойлашган

меҳмонхоналарнинг бирида масъул ходимлар томонидан ичимлик сувидан фойдаланиш интизомини текширилди. Ичимлик сувидан ноқонуний равишда фойдаланиб келингани натижасида "Тошкент сув таъминоти" унитар корхонаси манфаатларига 52 миллион 294 минг 880 сўм моддий зарар етказилгани аниқланди.

Яна бир ҳолат, Янгийўл тумани, Ниязбош қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Тоир Собиров (исм-фамилияси ўзгартирилган) ўз уйида ташкил этилган 20,9 сотих майдондаги иссиқхона

Шерзод МАМАЮСУПОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги бюронинг бўлим катта суриштирувчиси

иситиш мақсадида газ тармоғига ўзбошимчилик билан уланиб, табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келгани натижасида "Тошкентгаз" ҳудудий филиалига жами 49 миллион 507 минг 920 сўм зарар етказган.

Мазкур ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

МУБОРАҚБОД ЭТАМИЗ!

Мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Юлдуз Мирзаева кутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда.

сари, Зангиота туман прокуратура лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Айни пайтда у Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бугун сафимизга кириб келётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий таҳрибаси ва касб маҳорати силрларини сидқидилдан ўргатган таҳрибали

мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак кадрлайди.

Юлдуз Мирзаеванинг узок йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Юлдуз Ачиловна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!



У прокуратура органлари таъминотида меҳнат фаолияти давомида Республика Бош прокуратурасида бошқарма прокурори, бўлим прокурори, бўлим бошлиғининг ўринбо-

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

“BEST AUTO AUCTION” МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси охири бориш тартибидан ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори, Самарқанд вилоят Адлия бошқармасининг 2019 йил 22 февралдаги 01-17-6/1168-сонли буюртма хатига асосан Самарқанд шаҳар, Б.Мирзо кўчаси 12-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1). 2003 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 884 ВАА, техник носоз бўлган «NEXIA» русумли автомашина, бошланғич баҳоси – 27 664 000 сўм.
- 2). 2006 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 903 ВАА, техник носоз бўлган «МАТИЗ» русумли автомашина, бошланғич баҳоси – 16 880 000 сўм.
- 3). 2009 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 896 ВАА, техник носоз бўлган «МАТИЗ» русумли автомашина, бошланғич баҳоси – 21 192 000 сўм.
- 4). 2009 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 897 ВАА, техник носоз бўлган «МАТИЗ» русумли автомашина, бошланғич баҳоси – 18 747 000 сўм.
- 5). 2009 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 883 ВАА, техник носоз бўлган «МАТИЗ» русумли автомашина, бошланғич баҳоси – 26 912 000 сўм.
- 6). 2009 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 895 ВАА, техник носоз бўлган «ДАМАС» русумли автомашина, бошланғич баҳоси – 36 486 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 26 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 25 март куни соат 18:00. Ушбу мулк 2019 йил 26 март куни сотилмаган тақдирда,

такрорий савдолар 2019 йил 9 ва 23 апрель кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан бюртмаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилиди. Талабгорлар автотранспорт воситаси учун бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлган миқдорда, закалат пулини "BEST AUTO AUCTION" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали АТИБ «Ипотeka банк» Кўксарой филиалидаги 20208000700805784002, МФО:00262, СТИР:305089257 х/р. га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони 1-уй, 210-хона. Тел: (+99893) 355-80-55, (+99899) 731-80-55.

Электрон почта манзили: best.samarqand@inbox.uz. Гувоҳнома №547246.

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охири ошад бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Республика транспорт прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийси Улугбек Иномжоновга оласи

Гулчехра ИНОМЖОНОВАнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Келгуси сонда ▶

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Муборак туманидаги Гулшан қишлоғида яшовчи аҳолини нега қабристон муаммоси қийнамоқда?..

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR: **Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Djaxongir MIRSAYAYEV
Surayyo RAHMONOVA
Baxtiyor NAZAROV
Kamoliddin ASQAROV

TAHRIIRIYAT MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40.
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

□ — tijorat materiallari.

Buyurtma v-3189.
21 103 nusxada bosildi.
Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonamanzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan no'xyatga olingan.

ISSN 2010-7617



Мақтабгача таълим вазиридаги Корейнинг таълим телерадиокомпанияси EBS вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Келгусида Ўзбекистонда болалар учун таълим телеканални ташкил этилиши мумкин.

7-MART 2019-Y.
HUQUQ № 10
(1 155)

11

*Қурилиш компанияси
меҳрибон онажонларимиз,
мунис аёлларимиз ва гўзал
қизларимизни 8 март —
Халқаро хотин-қизлар куни
муносабати билан чин дилдан
қутлайди. Барчангизга
оилавий хотиржамлик,
хонадонларингизга
тинчлик, файзу
барака тилаймиз.*



 **AGROBANK**

**Агробанк баҳор байрамлари муносабати
билан янги муддатли омонат турини
таклиф қилади!**

“Баҳор — 2019”

Миллий валюта омонати:


Муддати — 13 ой


— фоиз ставкаси йиллик — 21 фоизгача;

— минимал талаб — 1 000 000 сўм.

*Шошилинг, омонатга маблағлар
жорий йилнинг 31 март кунига қадар қабул қилинади.*

Агробанк омонатлари Сиз учун!

 /AgrobankChannel

 /agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг



www.agrobank.uz
тел. (+99871) 203 88 88

Хизматлар лицензияланган

12

7-MART 2019-Y.
HUCUD № 10
(1155)

Ўзбек халқининг миллий спорти бўлмиш кураш 2022 йил Хитойнинг Хангжоу шаҳрида бўладиган XIX ёзги Осиё ўйинларининг мусобақалар дастурига киритилди.